

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**«БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ» ФАКУЛЬТЕТИ**

**«БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ» кафедраси**

**«ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛАДИ»**

Кафедра мудири \_\_\_\_\_

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2015 й.

**БАНКЛАРДА ХУСУСИЙ КАПИТАЛНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА  
УЛАРНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ**

мавзуси бўйича ёзилган

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**«Ҳимояга тавсия этилади»**

Илмий раҳбар: \_\_\_\_\_

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2015 й.

Бажарди: «Бухгалтерия ҳисоби ва  
аудит» таълим йўналиши битирувчи

4-курс талабаси \_\_\_\_\_

Джалолиддинов Жавлон Хуснидин  
ўғли

**Т О Ш К Е Н Т – 2015**

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш .....</b>	<b>3</b>
<b>1-Боб. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида банкнинг хусусий капиталини шакллантириш, уларнинг ҳисобини ташкил қилишнинг назарий асослари .....</b>	<b>6</b>
1.1. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида банкнинг хусусий капиталини шакллантириш иқтисодий мазмуни, моҳияти .....	6
1.2. Банкнинг хусусий капиталини ҳисобга олишнинг услубий шарт-шароитлари .....	13
<b>2- Боб. ТИФ миллий банки Сергели филиалида хусусий капитал ҳисобининг ҳозирги ҳолати ва уни такомиллаштириш масалалари .....</b>	<b>18</b>
2.1. Банкнинг устав капиталини шакллантириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисоби .....	18
2.2. Банкнинг хусусий капитални шакллантириш ва уларнинг ҳисобини ташкил қилишнинг амалиёти .....	22
2.3. Банкнинг хусусий капитали таркибидаги фондлар ва захиралар ҳисобини ташкил қилиш масалалари .....	25
<b>3-Боб. ТИФ миллий банки Сергели филиалининг хусусий капитали таҳлили ва уни такомиллаштириш масалалари .....</b>	<b>29</b>
3.1. Банкнинг хусусий капитали таркиби ва уларнинг ҳаракати таҳлили .....	29
3.2. Банкнинг хусусий капиталини шакллантиришга таъсир этувчи мажбуриятлар таҳлили .....	31
3.3. Банкнинг Сергели филиалида хусусий капитал таҳлили ва уни такомиллаштириш масалалари .....	34
<b>Хулоса ва таклифлар .....</b>	<b>38</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....</b>	<b>40</b>

## Кириш

**Мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти.** Банкларнинг капиталлашув даражасини оширилиши, банк ликвидлигини оширилиши пировардида уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун мустаҳкам замин яратилди. Шу билан биргаликда кенг кўламли ислохотларни амалга оширишда банкларнинг инвестиция кредитлари орқали иштирокини таъминлашни фаоллаштиришда уларнинг барқарор ресурс базаси шакллантирилди. Инвестициялашнинг узок муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, тижорат банкларининг капиталлашув даражасини янада ошириш мақсад қилиб қўйилган эди.

Бу Президентимиз И.Каримов ўз маърузасида. “...банк тизимидаги ислохотлар иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда энг муҳим омил бўлди. Бунинг натижасида тижорат банкларининг жами капитали 25 фоизга ошди. Банк тизимининг мустаҳкамланиши 2014 йилда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини 12 фоиздан 10 фоизга, тижорат банкларининг кредитлар бўйича фоиз ставкасини ҳам шунга мос равишда камайтириш учун зарур имкониятлар туғдирди. Банклар томонидан фақат ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгिलाш дастурларини молиялаштиришга йўналтирилган кредитлар ҳажми 2013 йилга нисбатан 1,2 баробар, айланма маблағларни тўлдириш учун ажратилган кредитлар эса 1,3 мартадан зиёд ошди. Сўнгги йиллар давомида «Мудис», «Стандарт энд Пурс» ва «Фитч рейтингс» каби етакчи рейтинг агентликлари Ўзбекистон банк тизими фаолиятини «барқарор» деб баҳоламоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, агар 2011 йилда мамлакатимизнинг 13 та тижорат банки юқори рейтинг баҳоларига сазовор бўлган бўлса, бугунги кунда республикамизнинг барча 26 та банки ана шундай баҳога лойиқ кўрилди”<sup>1</sup> деган эди,

Албатта, бундай тижорат банклари капиталлашувида хусусий капитални кўпайтириш учун қўшимча эмиссиясини чиқаришда қимматли қоғозлар операцияларини амалга ошириш бўйича ҳам қонуний ва услубий асосларни такомиллаштириш бўйича аниқ вазифалари белгилаб олинди. Бунда, банкларнинг хусусий капитални шакллантириш, уларнинг ҳисобива таҳлилини ташкил этиш, назорат қилиш катта эътиборда бўлди. Натижада, банкнинг хусусий капитални шакллантириш ва уларнинг ҳисобини халқаро стандартлар талаблари даражасига кўтариш муаммолари вужудга келди. Ушбу муаммоларнинг ечими мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан бартараф этилган бўлсада, лекин бугунги кунда тўлалигича ўз ечимига эга бўлмаганлиги сабабли ушбу мавзу юзасидан илмий изланишлар олиб бориш заруриятини кўрсатди. Юқорида баён қилинганларнинг барчаси мазкур битирув малакавий ишнинг долзарблигини белгилаб беради.

---

<sup>1</sup> Каримов И. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” номли маърузаси. (“Халқ сўзи” газетаси, 11-сон (6194), 2015 йил 17 январь).

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Банкларнинг хусусий капитални шакллантириш, уларнинг ҳисоби ва таҳлили масалалари Россиялик иқтисодчи олимлар З.Ширинская, Т.Нестерова, Д.Ендовицкий, Н.Соколинская, В.Герашенко, В.Колесников, В.Воронин, В.Курсов, Л.Усатова, Л.Кроливецкаялар, шунингдек, Республикамиз олимларидан А.Ибрагимов, З.Маматов, Ш.Абдуллаева, Ф.Муллажонов, А.Қодиров, М. Нурмуродов, С.Норқобилов, Ф.Абдувахидов, И. Муругова, Н.Наврўзоваларнинг илмий ва амалий ишларида ҳам ўз ифодасини топган.

Албатта, юқорида номлари зикр этилган барча иқтисодчи олимларимизнинг илмий ишлари ҳам назарий ҳам услубий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлсада, уларда банкнинг хусусий капитални шакллантириш ва уларнинг ҳисобини юритиш, шунингдек, уларнинг таҳлилини халқаро стандартлар талаблари даражасида ташкил қилишда банкларнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви жараёнида вужудга келаётган ўзгаришларнинг инобатга олинмаганлигидир. Шу боисдан, мазкур мавзу бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш зарурияти туғилди.

**Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари.** Банкнинг хусусий капитални шакллантириш, уларнинг ҳисоби ва таҳлилини халқаро андозаларга мослаштириш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Битирув малакавий ишининг мақсадига эришиши учун қуйидаги вазифаларни бажаришга эътибор қаратилади.

–иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тижорат банкларида банк капиталининг иқтисодий мазмуни, моҳияти ва унинг туркумланишини ўрганиш;

–банкнинг хусусий капитални ҳисобга олиш ва таҳлил қилишнинг назарий ҳамда услубий асосларини тадқиқ этиш;

–банкнинг хусусий капитални ҳисобга олиш амалиётини ўрганиш ҳамда уларнинг бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этишни тадқиқ қилиш;

–банкларда фондлар ва захиралар ҳисобини ташкил қилиш масалалари ўрганиш ҳамда уларнинг бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этишни тадқиқ қилиш;

–банкнинг хусусий капиталини таҳлили методикасини ўрганиш ва уни мукамаллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар бериш;

–банкнинг хусусий капиталига таъсир этувчи мажбуриятларни таҳлил қилиш тартибини тадқиқ этишдан иборатдир.

**Битирув малакавий ишининг объекти ва предмети.** ТИФ миллий банки Сергели филиалининг хусусий капиталини шакллантириш, уларнинг ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари ҳамда таҳлилини ташкил қилиш жараёни ҳисобланади.

**Предмети бўлиб,** банкнинг хусусий капитални шакллантириш, уларнинг ҳисоби ва таҳлили ташкил қилиш, уларни амалдаги қонунлар ҳамда меъёрий ҳужжатлар доирасида такомиллаштириш ҳисобланади.

**Битирув малакавий ишининг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:**

–иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тижорат банкларида банк капиталининг иқтисодий мазмуни, моҳияти ва унинг туркумланиши ўрганилди;

–банкнинг хусусий капитални ҳисобга олиш ва таҳлил қилишнинг назарий ҳамда услубий асослари тадқиқ этилди;

–банкнинг хусусий капитални ҳисобга олиш амалиёти ўрганилди ҳамда уларнинг бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш жараёни тадқиқ қилинди;

–банкларда фондлар ва захиралар ҳисобини ташкил қилиш масалалари ўрганилди ҳамда уларнинг бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш тартиби тадқиқ қилинди;

–банкнинг хусусий капитални шакллантириш, уларнинг таҳлили методикасини ўрганилди ва уни мукамаллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилди;

–банкнинг хусусий капитални шакллантириш, уларга таъсир этувчи мажбуриятларни таҳлил қилиш тартиби тадқиқ этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари.** Банклар фаолиятига оид Молиявий ҳисоботнинг халқаро андозалари (МҲХА), банкнинг хусусий капитални шакллантириш, уларнинг ҳисоби ва таҳлилини ташкил қилиш бўйича мамлакатимиз ҳамда хорижлик иқтисодчи олимларнинг дарслик, ўқув қўлланмалари, илмий асарлари, даврий нашрлар назарий асос бўлиб ҳисобланди. Тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси банкларида хусусий капиталлар ҳисоби ва таҳлилини ташкил этишга асос бўлувчи қонуний ва меъёрий ҳужжатлари, Республика Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлари услубий асос ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг амалий ва илмий аҳамияти шундан иборатки,** у Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида хусусий капиталлар ҳисобини юритишни халқаро ва миллий стандартларга мос равишда ҳисобга олиш, унинг таҳлилини ташкил этиш ҳамда уни амалга оширишда юзага келаётган муаммоларни ижобий ҳал этишда салмоқли ҳисса қўшади деб ҳисоблаймиз.

Ишда билдирилган фикр-мулоҳазалар иқтисодиётни модернизациялаш шароитида банкнинг хусусий капитални шакллантириш, уларнинг ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштиришга назарий жиҳатдан кўмак беради. Бу ўз навбатида, бухгалтерия ҳисобини юритишда маълумотлар баъзасини шакллантиради ва таҳлил қилишда зарурий ахборотлар билан таъминлайди ҳамда тижорат банкларининг молиявий фаолият жараёнларининг самарадорлигини оширишга кўмаклашади.

**Битирув малакавий ишининг таркибий тузилиши.** Кириш, учта боб, хулоса, фойланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

## **1-Боб. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида банкнинг хусусий капиталини шакллантириш, уларнинг ҳисобини ташкил қилишнинг назарий асослари**

### **1.1. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида банкнинг хусусий капиталини шакллантириш иқтисодий мазмуни, моҳияти**

Тижорат банклари капитали банк бошқарувида муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг зарурлиги - банк амалга ошираётган актив фаолиятда ҳамда операциялар миқдорида билинади. Банк капитали актив операциялар орқали иқтисодийга жойлаштирилган миқдоридан даромад шаклланади. Чунончи, банк капитали қанча кўп бўлса, даромади ҳам кўпаяди.

Одатда, банкирлар банк капиталини банк пассивлари ҳам деб аташади. Бу ибора банк капиталининг асосан, банк балансининг пассив қисмида жойлашганлигидан келиб чиққан. Яъни, банк пассивлари - унинг ресурс маблағларнинг вужудга келиш манбалари ва уларнинг қайси гуруҳга таалуқлилигини ифодалаб беради.

Тижорат банклар ўзларининг актив фаолиятини ўзларида мавжуд бўлган ўз ва жалб қилинган пул маблағлар доирасида юрита оладилар. Айнан пассив операциялар актив операцияларни олиб бориш учун асос яратади ҳамда даромадли операцияларининг ҳажмини ва кўламини аниқлаб беради. Шундан келиб чиқиб, тижорат банклари асосий капитали деганда, актив операцияларга асос яратувчи ва уларни амалга ошириш учун ишлатилувчи, уларнинг ҳажми ва масштабини аниқлаб берувчи маблағларга айтилади.

Банк капиталини пухта ўрганиш учун уларни гуруҳларга ажратиб таснифлаш лозим. Тўғри, банк капиталининг туркумланиши уларни бошқаришда жиддий ўзгариш яратмайди, аммо уларни ўрганишнинг тизимли ёндашувини вужудга келтириш учун асос яратади.

Тижорат банклари капиталининг шаклланиши жиҳатидан таснифланиши банкирлар ва иқтисодчи-олимлар томонидан турлича ўрганилади. Бу борадаги ўтказилган илмий тадқиқотлардан асосий уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин.

Биринчи гуруҳ олимлари - «банк капиталини шаклланиши жиҳатидан иккига бўлиб ўрганган, яъни банк капитали банкнинг ўз капитали ва жалб қилинган маблағлардан иборат» деб таъкидловчи олимлардир. Бу гуруҳга Россия олимларидан - В.И.Букато ва Ю.И.Львовларни ва бошқа олимларни киритиш мумкин. Улар ўзларининг «Банки и банковские операции в России»<sup>2</sup> китобида. О.И.Лаврушин «Банковское дело» китобида «тижорат банк капитали шаклланиши жиҳатидан, ўз капитали ва жалб қилинган маблағларга бўлинади»<sup>3</sup>, - деб таъкидлашган.

Ю.С. Масленченков «Финансовый менеджмент в коммерческом банке» китобида: «банк капиталини ўз ва жалб қилинган маблағлардан ташкил топади»<sup>4</sup>, деб ўрганади. Буларнинг ишларидан кўришимиз мумкинки, бу

<sup>2</sup> Букато В.И., Львов Ю.И. «Банки и банковские операции в России», Москва, «Финансы и Статистика» нашриёти, 2009, стр. 139.

<sup>3</sup> Лаврушин О.И. «Банковское дело», Москва, «Финансы и Статистика» нашриёти, 2008, стр. 69.

<sup>4</sup> Масленченков Ю.С. «Финансовый менеджмент в коммерческом банке», Москва, «Перспектива» нашриёти, 2008, стр. 225

иктисодчи-олимлар ресурсларнинг таркибий шаклланишига кўп эътибор бериб, банк капиталини фақат икки гуруҳга бўлиб ўрганганлар.

Иккинчи йўналиш олимлари, бу гуруҳга Россия олимларидан - К.К.Садвакасов, В.В.Киселевлар киради. Бу гуруҳ олимлар банк капиталини ўрганишда таркибий жиҳатдан уч йирик гуруҳга бўлиб таснифлайдилар. Яъни, банк капитали банкнинг ўз маблағлари, жалб қилинган маблағлари ва эмитентлашган маблағлар. Россия олимларининг иккинчи гуруҳи каби, Ўзбекистонлик олимлардан Ш.З.Абдуллаева, ҳам банк капиталини уч йирик гуруҳга бўлиб ўрганган. Хусусан, Ш.З.Абдуллаева ўзининг «Банк иши» китобида: «Тижорат банкларининг капитали банкнинг ўз маблағлари, жалб қилинган ва эмитентлашган маблағлар ҳисобидан шаклланади»<sup>5</sup> - деб таъкидлайди.

Россия ва Ўзбекистон иқтисодчи-олимлардан фарқлироқ, учинчи гуруҳ олимлар, буларга Европа ва АҚШ иқтисодчи-олимлари киради, банк капиталини ўрганишда, банк капитали ва банк пассивларига бўлиб ўргангадилар. Яъни банк пассивларига банк капиталини қўшмайдилар. Биз тижорат банкларининг капиталини фақат икки гуруҳга, яъни ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағларга бўлиб ўрганмоқчимиз.

Чунки, бизнинг фикримизча, қарз маблағлар ёки эмитентлашган маблағлар ҳам четдан жалб қилинади, шунинг учун уларни алоҳида гуруҳга бўлиб ўрганиш шарт эмас деб ҳисоблаймиз ва қарз ҳамда эмитентлашган маблағларини жалб қилинган маблағларнинг бир бўлаги сифатида кўриб чиқамиз. Бундай ёндашув, бизнинг фикримизча, банк капиталини тушунишни соддалаштиради (1-чизмага қаранг).


Биринчи расмдан кўриниб турибдики, банк капиталининг асосий икки гуруҳининг биринчи гуруҳи - ўз маблағлари ҳисобланади. Банкларнинг ўз маблағлари - бу банкка тегишли бўлган маблағлар бўлиб, уларга банк капитали, тақсимланмаган фойда, келгуси давр даромадлари, ҳисоб-китоблар тизимидаги ўз маблағлар ва номоддий активлар киради. Демак, банкнинг ўз маблағлари деб, тижорат ва хўжалик фаолиятидаги молиявий барқарорлигини таъминлаш учун ҳосил қилинган турли фондлар ҳамда ўтган ва жорий йил фаолиятидан олинган даромадни тушиниш керак.

Банкнинг ўз маблағлари таркиби бир ҳил эмас ва турли омиллар орасида ўзгариши мумкин. Масалан, уларнинг активлари сифати, ўз даромадидан фойдаланиши, стратегияси, банк капитал базасини таъминлаш бўйича сиёсати кабиларга боғлиқ.

Тижорат банклари пассивларининг иккинчи гуруҳи - бу жалб қилинган маблағлардир. Бу маблағлар банк таъсисчиларига тегишли эмас, улар четдан, яъни банк мижозларидан жалб қилинади. Банк муассасаларининг хусусияти ҳам шундан иборатки, уларнинг капитали асосий қисми жалб қилинган маблағлардан иборатдир. Тижорат банкларнинг ресурсларни жалб қилиниши Марказий банк томонидан назорат қилинади ва у банкларнинг ўз маблағлари

<sup>5</sup> Абдуллаева Ш.З. «Банк иши», -Т.; ТМИ нашриёти, 2008, 131-бет.

ҳажмидан ва ҳуқуқий-тузулиши шаклидан келиб чиқади. Ихтиёрий банк пасивларининг асосий қисмини - депозитлар ташкил этади.



1-расм. Банк капиталининг туркумланиши



«Депозит» сўзи - бир неча маънони билдиради. Масалан, банкларга ёки бошқа кредит-молия ташкилотларига сақлашга берилган пул маблағлари ёки қимматбаҳо қоғозлар, божхона божи тўланадиган қўйилмалар, йиғилган солиқлар, рискни таъминлаш учун административ органлардаги қўйилмалар ва ҳақозо.

Иқтисодчилар «депозит» тушунчасига бир қанча фикрлар билдирганлар. Баъзи иқтисодчилар, депозитни - қўйилма, омонат ёки вақтинча бўш турган пул маблағлари деб изоҳлайдилар.

Аммо, бизнинг фикримизча, бундай алоҳида категория сифатида бўлиши шарт эмас, чунки буларнинг ҳаммаси бир маънони англатади. Агарда уларнинг функциялари ёки улар бажарадиган вазифалар турлича бўлганда эди, уларни турли атамалар билан изоҳлаш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ортиқча атамалар киритилиши эса тушунмовчиликларга олиб келади. Шунингдек, Француз олими Пьер Берже, ўзининг «Пул механизми» китобида, «...депозит (қўйилма) - деганда, чалкашишлар келиб чиқади. Кредит рақами ёки кредит сальдоси деган терминлар, депозитларнинг моҳиятини янада тўлиқроқ тушунтиради...»<sup>6</sup> деган фикрни юритади.

Биз депозит тушунчасини шундай ифодалаймиз: «Депозит -бу кредит муассасаларида сақлаш ёки маҳсул-мақсадга қўйиладиган пул мабларидир».

Тўғри, солиқ суммаси ноаниқ пайтда, олдиндан тўланган сумма ҳам, бож учун олдиндан ўтказилган сумма ҳам, сақлаш учун берилган қимматбаҳо қоғоз ҳам депозит деб аталиши мумкин. Аммо, олдиндан тўланган солиқ ёки бож - аванс тўлови дейилса мақсадга мувофиқ бўлади. Шундай қилиб, депозит сўзи фақатгина кредит муассасаларидаги рақамлардаги маблағларга айтилиши керак. Бундай классификация чалкашишларнинг олдини олади.

Бундан ташқари, бизнинг фикримизча, Россия олимларининг: «вақтинча бўш пул маблағлари» - деган фикрини депозит таърифидан олиб ташлаш керак. Чунки, агарда депозит фоизидан келадиган даромад, хўжалик субъектининг «ишчи маблағлари»дан келадиган даромадга нисбатан юқорироқ бўлса, бу субъект барча маблағларини депозит рақамига қўйяди ва унинг фоизини олади. Демак, депозитга қўйиладиган маблағ бўш бўлиши шарт эмас.

Депозитлар банкларда маълум вақтда қолиб, кредит олувчи мижозга маълум даромад келтиради, шунинг билан бирга банкка ҳам даромад келтиради. Банкларнинг даромади қарз олувчининг фоиз суммасидан кредиторга тўловчи фоиз суммаси фарқи орқали келиб чиқади.

Халқаро банк амалиётида, қўйилмаларга маблағларни жалб қилиш билан боғлиқ операцияларни - депозит операциялар дейилади. Депозит операцияларга, маълум бир муддатга ёки талаб қилиб олингунча депозитга жалб қилиш билан боғлиқ операциялари киради. Депозит операцияларининг субъектлари: банк - қарз олувчи бўлиб, пул эгалари - кредитор бўлиб ҳисобланади. Яъни, субъекти сифатида: давлатнинг корхона ва ташкилотлари, муассасалари; кооперативлар, акционер жамиятлар, қўшма корхоналар, жамият

---

<sup>6</sup> Пьер Берже, Перевод с французского языка /Общая редакция Л.Н.Красавина/«Денежный механизм», Москва, А/О Издательская группа «Прогресс» 2009., Стр.144.

ташкilotлари ва фондлари, молиявий ва суғурта компаниялари, инвестицион ва траст компаниялар ва фондлар, жисмоний шахслар, банк ва бошқа кредит ташкilotлари иштирок этиши мумкин. Объекти бўлиб эса, банкга берилган пул маблағлари ҳисобланади.

Демак, мижозлардан ва бошқа кредиторлардан маблағ жалб қилиш-банкларнинг пассив операцияларнинг асосий кўриниши ҳисобланади. Бу маблағлар жалб қилиниши турига қараб, депозит рақамлари ҳам турли хил бўлади. Уларни - депозитни ташкил қилиш манбаи бўйича, мақсадлилиги, фоиз даражаси ва ҳақозо мезонлар бўйича классификациялаш мумкин. Аммо, негизи сифатида, мижознинг категорияси ва депозитни олиниши бўйича амалиётда кенг кўлланилади.

Бу категориялар бўйича классификацияланиши турли мамлакатларда турличадир. Масалан, АҚШда депозитларни асосий икки гуруҳга, яъни трансакцион ва но-трансакцион депозитларга бўлиб ўрганadi<sup>7</sup>. Бизнинг Республикамизда, депозитларнинг иқтисодий моҳияти ва ишлатиш муддатига қараб уч гуруҳга бўлиб ўрганилади. Булар - талаб қилингунча (аниқ муддат белгиланмайдиган), муддатли (маълум бир муддатга кўйиладиган) ва жамғарма (жамғариш учун кўйиладиган) депозитлар.

Умуман, тижорат банкининг ресурс потенциалини ташкил этувчи банк пассивларининг шаклланиши ва оптималланиши жараёнлари, барча пул маблағларининг манбаларини бошқариш сифатида муҳумликни талаб қилади. Банкнинг доимий ресурс базаси унинг ссуда ва бошқа актив операцияларни муваффақиятли ўтказишга ёрдам берар экан, ҳар бир тижорат банк капиталини оширишга ҳаракат қилади.

Биринчи расмдан кўриниб турибдики, банк капиталининг асосий икки гуруҳининг биринчи гуруҳи - ўз маблағлари ҳисобланади. Банкнинг ўз маблағларига қуйидагича таъриф берилиши мумкин.

Банкнинг ўз маблағлари деб, тижорат ва хўжалик фаолиятидаги молиявий барқарорлигини таъминлаш учун ҳосил қилинган турли фондлар ҳамда ўтган ва жорий йил фаолиятидан олган тақсимланмаган фойдаларини тушуниш керак.

Тижорат банклари ўз маблағларининг ичида асосий ўриндан бирини банк капитални бажаради. Банк капитални ликвид молиявий, лекин даромад келтирмайдиган ёки жуда кам даромад келтирувчи активларга ҳизмат қилади. Банк капиталининг ҳусусияти шундан иборатки, унинг салмоғи банк капиталнида кичик бўлишига қарамасдан, у зарур функцияларни бажаради.

Банк капиталининг мавжудлиги банкни ташкил топиши ва унинг фаолият кўрсатиши учун энг асосий заруриятлардан биридир. Банк капитални банк балансининг пассивида жойлашади. Банк ўз капитални банкрот ҳолатига тушганда даъволарни қоплашининг муҳим суғурта фонди ва банк операцияларини ривожланишини молиялаштириш манбаси бўлгани учун унга алоҳида эътибор берилади. Кўпчилик тижорат банклар акционер банк ҳисобланади. Ҳар бир банкнинг капитални акционерлар инвестиция қилган ва

---

<sup>7</sup> Изох: АҚШда муддатсиз депозитлар - трансакцион ва муддатли ҳамда жамғарма депозитларни но-трансакцион депозитлар гуруҳига киритади. Манба: Anthony Saunders «Financial Institutions Management - a modern perspective»//Irwin McGraw-Hill, Иккинчи нашр, 2009, 339бет.

кейинчалик фойда ва зарар ҳисобига қўшилган ёки айирилган қийматига тенг бўлади.

Ўз капиталнинг салмоғи қанча катта бўлса, шунчалик кўп юқори ликвидли активлар банк мажбуриятларига хизмат кўрсатади. Бунинг натижасида жалб қилинган маблағлар бўйича мажбуриятлар бажарилгани учун маблағлар қайтиш даражаси маблағлар кетиш даражасидан ошади. Бу ҳолат банк қарз олувчи бўлиб ишлаганда, маблағларни жойлаштириш муддати ва суммасининг маблағлар қайтарилиши суммаси ва муддати билан мос келишини осон назорат қилади.

Устав ёки акционер капиталга қўйиладиган қимматбаҳо қоғозлар юқори ликвидли бўлишлари керак. Улар учинчи шахс томонидан чиқарилган бўлиши керак. Акционернинг ўзи чиқарган қимматбаҳо қоғозлари устав ёки акционер капиталга қўйилиши мумкин эмас. Капиталга қўйилган қимматбаҳо қоғозлар шартнома тузилган кундаги бозор баҳосида ҳисобга олинади.

Агарда, қўйилма натурал шаклда қўйиладиган бўлса, унда ҳар бир акционер, мулкни мустақил аудитор баҳолашини сўраши мумкин. Капиталга қўйилган материал мулкнинг улуши (бинодан ташқари) биринчи 2 йил учун 20%дан ошмаслиги керак ва кейинги вақт учун 10%дан кам бўлмаслиги керак. Интеллектуал бойликнинг улуши 1%дан ошмаслиги керак.

Шундай қилиб, банк капитали - кредит операцияларни амалга ошириш учун бир манба бўлиб, шу билан бир қаторда жалб қилинган маблағларни қайтаришда кафолат бўлиб ҳисобланади.

Тижорат банкларининг жалб қиладиган маблағлари таркиби турличадир. Булар:

- мижозларнинг ҳисоб рақамларидаги маблағлари;
- бошқа банкларни шу банкдаги корреспондентлик ҳисоб варақларидаги маблағлари;
- аҳоли депозитлари;
- аҳолига қимматли қоғозлар сотишдан тушадиган маблағлар;
- лизинг операциялари учун сотиб олинган ва тўпланган товар моддий бойликлар.

Банк депозитлари ичида энг кўп қисмини - талаб қилингунча депозитлар ташкил этади. Талаб қилингунча депозит рақамларининг моҳияти, бу рақамдаги қолдиқни мижозлар ихтиёрий пайтда ҳеч қандай олдиндан огоҳлантирмай қисман ёки ҳаммасини олиши шунингдек, тўлов учун ўтказиши мумкин, яъни талаб қилинган пайтда мижозга банк дарҳол тўлаб беради. Шунингдек, бу депозитни - жорий рақам ёки ҳисоб-китоб рақами деб ҳам айтишади.

Депозит рақамларининг иккинчи гуруҳи ҳисобланувчи, нотрансакцион рақамларнинг турлари кўп, аммо улар учун ягона ном йўқ. Шунинг учун биз бу рақамларни инвестицион рақамлар деб атаймиз. Уларни баъзи иқтисодчилар «муддатли депозитлар», баъзилари «инвестицион депозитлар» дейди яна бошқалари эса «но-трансакцион депозитлар» деб атайдилар.

Муддатли депозитлар - маълум муддатда банкда сақланадиган пул маблағларидир. Буларга, вексель, сертификат ҳисоби, аҳолининг муддатли ва

мақсадли қўйилмалари, сақлаш муддати тахминан белгиланмаган, аммо осон аниқланадиган рақамлар киради. Мисол қилиб, бюджет маблағлари рақамлари ёки капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбаси рақамларини айтишимиз мумкин.

Муддатли депозитлар - йирик депозиторлар учун мўлжалланган. Бу рақам бўйича юқори фоиз тўланади, аммо талаб қилиниши билан дарҳол олинмайди.

Муддатли депозитлар - бу банк томонидан маълум бир муддатга жалб қилинадиган депозитлардир. Муддатли депозитларда маблағ шартномада келтирилган муддатга банкка фойдаланишга топширилади, бу муддат тугаши билан унинг эгаси маблағини қайтариб олиши мумкин.

Жалб қилинган маблағлар ичида муддатли депозитлар асосий ўринни эгаллайди.

Жамғарма депозитлар - одатда кичик депозитлар учун ишлатилади. Бу рақамлар бўйича фоиз кам тўланади ва депозит сўраб олиниши мумкин.

Жамғарма депозитлар сақланиши турига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- муддатли;
- ютуқли депозитлар;
- жорий рақамга қуйиладиган маблағлар;
- пластик карточкалар;
- депозит сертификатлари (CD).

Жамғарма депозитлар банк учун афзал ҳисобланади. Чунки бу турдаги депозитлар асосан узоқ муддатли бўлади ва банк бу маблағларни узоқ муддатли депозитга ишлатиши мумкин. Бу рақам бўйича мижозларга тўланадиган фоиз ставкаси кам бўлади.

Жамғарма депозитларнинг камчилиги шундаки - бу рақамда турган маблағлар камайишига ҳар қил омиллар киради. Масалан, давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва психологик омиллар банкдан пулнинг чиқиб кетишига таъсир қилади. Шахсий ҳисобрақамлари ичига кирадиган жамғарма рақамлари жалб қилинган маблағ қаторида катта роль ўйнайди. Жамғарма депозитлар:

- аниқ муддатга қўйилмайди;
- бу счёtdан пул олиш учун банкка хабар бериш шарт эмас;
- бу счёtdа пул қўйиш ёки олишда жамғарма китобчасини кўрсатиш керак.

Бу китобчада ўзгартиришлар акс эттирилади.

Жамғарма депозитларини қабул қилиш деярли ҳамма тижорат банклар хизматига киради, махсуслашган тижорат банклар бундан мустасно бўлиши мумкин.

Жамғарма депозитлар кўп банклар учун мижозларини молиялаштиришни асосий манбалари ҳисобланади. Тушум ва рентабеллик маъносида ҳам жамғарма депозитлар энг самарали ҳисобланади.

Жамғарма рақамлари эгасига фоиз келтирадиган маблағлар сақланади ва учинчи шахсга ҳисоб-китоб қилиш учун ишлатилмайди. Жамғарма счёtlарининг хусусияти шундаки, булар қатъий белгиланган муддатга эга эмас. Бундан ташқари, жамғарма депозитлар - бу пул депозитларидир, шу сабабли

булар банк капиталини жалб қилинган турига киради. Умуман, улар ихтиёрий суммаларда қабул қилинади. Жамғарма депозитлар бир қўйишда шаклланмайди, улар ҳар ҳил муддатларда турли суммаларда ўз муддати давомида қўйилиб ёки олиниб турилиши мумкин.

Мижоз муддатли депозитларни ҳар доим ҳам эркин талаб қила олмайди. У маблағларни тулиқ ёки бир қисмини талаб қилса ҳам бу маблағлар муддатли мажбуриятларга боғлиқ. Жамғарма депозитлар жамғариш ёки капитални йиғиш учун хизмат қилиши керак. Шундай қилиб, жамғарма рақамларидан қуйидагиларни назарда тутиш мақсадга мувофиқ эмас:

– тижорат фаолияти учун ёки тўлов обороти учун, яъни чеклар ўтказмалар ёрдамида бошқариладиган пул суммалари;

– жамғарма депозитлари аввалдан огоҳлантирилиб олиниши мумкин;

– улар талаб қилиб олинadиган ёки муддатли депозитлар каби расмийлаштирилиши керак эмас. Аммо, бу уларни мақсадлилиқ ва муддатлилиқ сифатини йўқ дегани эмас. Бу ҳолда мијоз огоҳлантирилиши муддатини келишиши лозим, бу эса уни мақсадига етишига кўмаклашади.

Шундай қилиб, мијоз таҳлил қилаётган депозитни ишлатиш мақсади қўйилаётган вақтда уни муддатга жойлаштирилади дегани эмас, яъни мијоз маблағини жойлаштираётганда қачон маблағ олиниши мумкинлигини аниқлаши мумкин бўлсин.

## **1.2. Банкнинг хусусий капиталини ҳисобга олишнинг услубий шарт-шароитлари**

Давлатимизнинг ўтган мустақил ривожланиш йўлларида банк тизимини шакллантиришнинг пухта замонавий қонунчилиқ негизини, жумладан, ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш бўйича ўзига хос механизмини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ниҳоятда қисқа давр ичида банк тизимини тартибга солишга доир муҳим қонун ва қонуности ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, қабул қилинди. 1995 йил 21 декабрида “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонун ва 1996 йил 25 апрелда “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши икки босқичли банк тизимининг ҳуқуқий пойдеворини янада мустаҳкамлашга, банклар фаолиятини халқаро андозалар даражасида таъкомиллаштириб, банк тизимида ислохотларни янада чуқурлаштириб боришга асос бўлди. Ривожланган мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олиб яратилган мазкур қонунлар кейинчалиқ Халқаро Валюта жамғармаси ва Жаҳон банки экспертлари тамонидан ижобий баҳоланиши қувонарли ҳолдир.

Шунингдек, ЎЗР АВда 2008 йил 11 июлда 1834-сон билан рўйхатга олинган йўриқнома<sup>8</sup>, 2009 йил 19 январда 1885-сон билан рўйхатга олинган йўриқнома<sup>9</sup>, 28.03.2003 йилда 662-3-сон билан рўйхатга олинган низом<sup>10</sup> ишлаб чиқилди ва улар такомиллаштирилиб борилмоқда.

<sup>8</sup> ЎЗР АВда 2008 йил 11 июлда 1834-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида йўриқнома


<sup>9</sup> ЎЗР АВда 19.01.2009 йил 1885-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида йўриқнома.

Банк тизимини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 апрелдаги 197-сонли Қарори<sup>11</sup> алоҳида ўрин тутди. Қарорга асосан Республика Марказий банки қошида Кредит ахбороти миллий институти ташкил этилди. Ушбу тадбир қарздорларнинг кредит тарихига оид ахборот тизимини яратиш ва тижорат банклари фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган хатарларни самарали бошқариш йўлида муҳим қадам бўлди.

Агар мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида фақат бир нечта тармоқ банклари мавжуд бўлган бўлса, 2014 йил ҳолатига республикада тижорат банкларининг умумий сони 38 тани ташкил этди. Шунингдек, республикада барча шаҳар ва туманларида тижорат банкларининг 800 тага яқин филиаллари мавжуд бўлиб, улар аҳоли, корхона ва ташкилотларга сифатли банк хизмати кўрсатиб келмоқдалар.

Банклар тармоғининг кенгайганлиги республикада барча шаҳар ва қишлоқларидаги аҳоли, хўжалик субъектлари, корхона ва ташкилотлар ўзи истиқомат қиладиган ҳамда жойлашган тумандаги ёки бошқа ҳудуддаги банк бўлимларида ҳисобварақларини очиб, унинг хизматларидан фойдаланишлари қувонарли ҳолдир.

Банк тизимини эркинлаштириш ва ислоҳ қилишни чуқурлаштириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида банкларнинг умумий капитали, активлари ва кредит қуйилмалари сезиларли даражада ортди. Натижада 2014 йилга келиб банкларнинг умумий капитали 6,9 трлн. сўмни ташкил этди (1-диаграммага қаранг).




1-diagramma. Tijorat banklarining kapitallashuvi darajasi.

<sup>10</sup> ЎзР АВ 28.03.2003 йилда 662-3-сон билан рўйхатга олинган Тижорат банкларида қимматли қоғозлар операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги низом.

<sup>11</sup> ЎзР ВМнинг “Қарз олувчиларнинг кредит тарихи тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш тизимини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2004 йил 23 апрелдаги 197-сонли Қарори

2014 йилда аҳоли омонатлари қолдиғи ўтган йилга нисбатан 51 фоиз ошиб, жорий йилнинг 1-апрел ҳолатига кўра 744,8 млрд. сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич фуқароларнинг банк тизимига бўлган ишончи янада ошиб бораётганини кўрсатмоқда (2-расмга қаранг).

### Eng muhimi -



2-rasm. Bank kapitali etarliligi va likvidliligi darajasi.

Президентимиз томонидан 2005 йил 15 апрелда “Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда ушбу қарорга асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва тижорат банклари билан биргаликда “2005-2007 йилларда банк тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш Дастури” тасдиқландики, бугун биз ҳеч иккиланмасдан банк тизимини ривожлантириш ва ислоҳ қилишнинг сифат жиҳатдан янги босқичи бошланди десак, муболаға бўлмайди. Президентимизнинг ушбу қарори билан банкларнинг қатор солиқлардан озод қилиниши уларнинг моддий манфаатдорлиги, фаолияти самарадорлиги ва рақобатбардошлигининг ошишига замин яратади.

Кўпчилик мамлакатлар банк тизимининг бугунги кундаги асосий заиф томони, уларда банк капиталининг етарли даражада бўлмаслиги ёки тўғрироқ қилиб айтадиган бўлсак, банкларнинг капиталлашуви даражасининг халқаро

меъёрларга нисбатан жуда паст даражада бўлишидир. Бундай ҳолат эса, мамлакат банк тизимининг халқаро молия бозорига кириб боришига ва фаолият юритишига тўсқинлик қилмоқда.

Шундай вазиятнинг олдини олиш мақсадида Президентимиз ўз қарорида тижорат банкларининг барқарорлигини таъминлаш учун 2009 йилнинг 1 апрелидан янги ташкил этиладиган:

- тижорат банклари учун – сўм эквивалентидаги ҳозирги вақтда 10.0 миллион еврога етказиш;

- хусусий банклар учун – сўм эквивалентидаги ҳозирги вақтда 5.0 еврога етказишни кўрсатиб берди.

Бундай тадбирнинг амалга оширилиши, яъни банк капитали минимал миқдорининг оширилиши, биринчидан, иқтисодиётнинг молиявий ресурсларга бўлган талабини янада кенгроқ қондириш имконини берса, иккинчи томондан, уларнинг халқаро молия бозоридида рақобатбардошлигини оширади.

Банк капиталининг юқори даражада бўлиши ва унинг етарлилиги ҳар қандай тижорат банкининг тўловга қобилиятлилигини ва хатарлардан ҳолилигини таъминловчи асосий омил ҳисобланади. Шунингдек, тижорат банкларининг етарли миқдорда банк капиталига эга бўлиши, уларнинг ликвидлигини таъминлаш ва фаолияти давомида дуч келадиган хатарлардан зарар кўрмаслик имконини яратади.

Тижорат банкларининг хусусий капитални шакллантириш, уларнинг ҳисобини юритишда банк активлари ва пасивларидан самарали фойдаланиш, уларни жойлаштириш ва кўрсатилган банк хизматлари юзасидан даромад (фоизли)ларни ҳамда банк операцияларини амалга ошириш бўйича харажатлар (фоизли) ни, шунингдек, бюджет ва бюджетдан ташқари тўловларни ўз вақтида ҳисоблаб, якуний молиявий натижаларни тўғри аниқлашдан иборатдир. Бунда талабалар банкларда бухгалтерия ҳисобини ўрганишда, аввало, унинг корхоналар, бюджет ва бошқа кредит муассасаларида юритиладиган бухгалтерия ҳисобидан туб фарқларини тушунишлари зарур.

Тижорат банкларининг хусусий капитални шакллантириш, уларнинг ҳисобини бошқа корхона ва ташкилотларникига нисбатан ўзининг оперативлиги билан ажралиб туради. Чунки уларда соат 16-00 гача операциялар кун бўлиб, шу давр мобайнида амалга ошириладиган операциялар ўша кунгун миқдорларнинг аналитик ҳисобидаги шахсий ҳисобварақларда акс эттирилади ва кундалик баланс орқали умумлаштириш усули билан назорат қилиб борилади. Бу пул маблағларининг сақланиши, кундалик пул айланмаси ва ҳисоб-китоб кредит муносабатларининг ҳолати, касса режасининг бажарилишини назорат қилиш имкониятини бериш билан биргаликда, пул муомаласи ҳамда кредит ресурсларининг айланишини тартибга солишни таъминлайди.

Бухгалтерия ҳисобининг объектларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ва банк фаолиятининг асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш ҳамда улар бўйича тўлиқ маълумотларга эга бўлиш учун ўлчов бирликлари (натура, меҳнат ва пул) дан фойдаланилади. Шу боисдан, банкларининг хусусий капитални шакллантириш, уларнинг ҳисобини ҳисобини тўғри юритишда асосий вазифаларни бажаришни талаб қилади (1-қизмага қаранг)



## Асосий вазифалар

- сотиб олинган қимматли қоғозлар умумий қиймати;
- қимматли қоғозлардан олинган даромад (дивидендлар ва фоизлар);
- қимматли қоғозларни айрим тоифаларга тақсимлаш;
- котировкаси муттасил эълон қилинмайдиган қимматли қоғозларнинг тахмин қилинаётган бозор қиймати (у ҳолда баҳолаш методлари ва усуллари банкнинг ҳисоб сиегатидан келиб чиққан ҳолда баен қилинган бошқарув ходимларининг баҳолаши бўлиши мумкин);
- акция қийматининг ўзгаришлари;
- қимматли қоғозларнинг сотиш натижасида вужудга келган, кўзда тутилмаган даромадлар ва зарарлар (агар улар сезиларли даражада бўлса);
- банкнинг инвестициясида салмоқли ўринни эгалловчи қимматли қоғозларга қилинган қўйилмалар.

1-чизма. Банкларнинг хусусий капитални шакллантириш ва ҳисобни тўғри юритишдаги асосий вазифалар

Бундан ташқари, қимматли қоғозларга қилинган қўйилмалар тўғрисидаги маълумотларни тавсифлашда фойдаланилган усуллар моҳияти махсус очиб берилиши лозим.

Тижорат банкларининг хусусий капитални шакллантириш, уларнинг ҳисобини ташкил этишда бухгалтерия ҳисобининг қонуний ва услубий асослари бўлиб, Ўзбекистон Республикасида амал қилинаётган қонуний ва меъёрий ҳужжатлари ҳисобланади<sup>12</sup>. Ушбу қонуний ҳужжатлар бухгалтерия ҳисобини юритишда тартибга солувчи қонуний ҳужжатлар ҳисобланади ва мулкчилик шаклидан яъни, қайси тармоққа тегишлигидан ҳамда катта-кичиклигидан қатъий назар барча хўжалик юритувчи субъектлар учун амал қилинади.

Шундай қилиб, тижорат банкларининг хусусий капитални шакллантириш, уларнинг ҳисобининг назарий асосларини чуқур ўзлаштириш ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини тузишга оид меъёрий ҳужжатларни ҳам билишни тақозо этади.

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни. -Т.: 1996й., Ўзбекистон Республикасининг «Банк ва банклар фаолияти тўғрисида»ги қонуни. -Т.: 1996 й., Ўзбекистон Республикасининг «Марказий банк тўғрисида»ги қонуни. -Т.: 1995й.

## **2- Боб. ТИФ миллий банки Сергели филиалида хусусий капитал ҳисобининг ҳозирги ҳолати ва уни такомиллаштириш масалалари**

### **2.1. Банкнинг устав капиталини шакллантириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисоби**

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида тижорат банкларининг кучли рақобат асосидаги фаолияти самарали бўлишида муҳим омиллардан бири, бу ўз ресурсларининг амалдаги ҳолатидир. Шу сасабли, ушбу бобда асосий эътиборни банк ресурсларига ва айниқса, банкнинг ўз маблағларига қаратмоқчимиз.

Банк ресурслари -бу, банклар ихтиёрида бўлган ва улар томонидан кредитлаш ҳамда бошқа актив операцияларни амалга оширишга мўлжалланган маблағлар йиғиндисидир. Ўз навбатида, банк ресурслари ўз маблағи ва жалб қилинган маблағларга бўлинади. Тижорат банкларининг ўз ресурслари сифатида биринчи навбатда, акциядорлик ва заҳира капитали ҳамда уставларига мувофиқ, фойдадан ажратмалар шаклида ташкил этиладиган махсус фондлар майдонга чиқади.

ТИФ миллий банки Сергели филиалининг ўз маблағларига, унинг фаолиятидаги молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадида ҳосил қилинадиган турли фондлар ҳамда ўтган ва жорий йил фаолиятидан олинган, тақсимланмаган фойда киради.

Банкнинг ўз маблағлари таркибида банк капитали катта аҳамият касб этади. Банк ўз маблағларининг хусусиятли томони шундаки, банк ресурсларида уларнинг салмоғи кичик бўлишига қарамасдан, куйидаги зарур функцияларни бажарадилар:

-биринчидан, банкни банкрот бўлишдан ҳимоялайди, яъни банк бошқарувчилари юзага келган муаммоларни ҳал қилгунларига қадар жорий ҳаражатларни қоплаш манбаи бўлиб ҳизмат қилади;

-иккинчидан, депозитларни етарли миқдорда жалб қилгунга қадар банкни ташкил қилиш ва фаолиятини бошлаш учун зарур маблағ билан таъминлайди;

-учинчидан, банкнинг ўз маблағлари миқдорларни банкка бўлган ишончини оширади;

-тўртинчидан, банкнинг ўз маблағлари банк ривожланиши ва янги банк ҳизматларини жорий қилиш учун дастурлар таъминоти ҳамда зарур маблағлар билан таъминлайди;

-бешинчидан, банкнинг ўз маблағлари банк ривожланишининг молиявий асоси бўлиб ҳизмат қилади, яъни тижорат банкларини назорат қилувчи муассасалар банкнинг ўз маблағлари салмоғини улар томонидан жалб қилинаётган депозитлар ва тармоқларга ажратилаётган кредитлар ҳажмига мос равишда ўзгаришини талабқилишади. Ушбу талабдан келиб чиқиб, ҳар бир тижорат банкининг фаолияти кенгайиб боргани сари, жами сармоялардаги унинг ўз маблағлари салмоғи ҳам ошиб бориши лозим. Банкда ўз маблағлари ҳолатини тартибга солиш орқали, фаолияти мобайнида юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларнинг олдини олиш имконияти туғилади.

Bank faoliyatining rivojlanishi – bozor mexanizmini to‘g‘ri tashkil etishda zaruriy shart-sharoit yaratadi, buning uchun iqtisodiyotning qayta shakllanish jarayoni bank tizimini qayta isloh qilishni talab etadi<sup>13</sup>.

Bugunda bu sfera dinamik ravishda rivojlanmoqda. Banklar ma'muriy boshqaruv tizimi davrida uzoq vaqtlar davlat tashkiloti bo‘lib, iqtisodiyotni ma'muriy buyruqbozlik bilan boshqarish tizimida tashuvchi loyihalardan biri bo‘lib, qatnashgan. Bugungi kunda bozor iqtisodiyotining rivojlanish yo‘liga o‘tar ekanmiz, yo‘l qo‘yilgan kamchiliklardan voz kechib, rivojlangan davlatlar tajribasini o‘rgangan holda bank va bank faoliyati to‘g‘risidagi bilimlarni oshirish bilan birga jahon andozasiga mos ravishda bank xizmatlarini ko‘rsatish talab etilmoqda.

ТИФ миллий банки ustavi O‘zbekiston Respublikasi markaziy bankidan ro‘yxatdan o‘tganlaridan keyin yuridik shaxs maqomiga ega bo‘lib, tijorat banki tashkil etilgan hisoblanadi. Bankning ustav kapitalini shakllantirishda qatnashishga tayyor bo‘lgan va bankni tashkil etishga qiziquvchi yuridik va jismoniy shaxslar bankning ta‘sischilari hisoblanadi.

Bank ta‘sischilari ustavi va ta‘sis shartnomasiga imzo chekib yo‘l qo‘ygan yuridik shaxslar, jismoniy shaxslar, shu jumladan, chet el rezidentlaridan tashkil topadi. Ular aksionerlik tijorat banki O‘zbekiston Respublikasida banklarni Davlat ro‘yxatga olish kitobiga ro‘yxatga kirgan vaqtdan boshlab ta‘sischi hisoblanadi.

Bank ta‘sischilari bankni tashkil etishda zaruriy barcha hujjatlarni rasmiylashtirishni, bank ustav kapitalini shakllantirishi, moddiy texnik ta‘minoti bazasi, xizmat ko‘rsatiladigan mijoz doirasi va amalga oshiriladigan bank operatsiyasini aniqlashni va muammoli bo‘lgan masalalarni hal etishda javobgarlikni va ma‘suliyatni o‘z zimmasiga oladi. Ular ta‘sis shartnomasini imzolab rasmiylashtiradilar.

Ta‘sis shartnomasi imzolangandan keyin ta‘sischilar ta‘sis majlisini o‘tkazishga tayyorgarlik ko‘radilar. Majlisda bankning ustavini belgilab oladi va bank boshqaruvi raisini saylaydi. Shu vaqtdan bank tashkil etilgan hisoblanadi, lekin to‘liq oxirgi bosqichigacha tashkil etilgan hisoblanmaydi. Ustav kapitali faqat tasischi va aksiyadorlarning pul mablag‘laridan tashkil topib amaldagi milliy valyutada to‘lanadi. Ustav kapitalini shakllanishida kreditga olingan, qarzga olingan va shu kabi jalb qilingan pul mablag‘lari kiritilmaydi. Ayrim hollarda agar qonunchilik asosida davlat byudjeti mablag‘larini hisobidan ustav kapitalini shakllantirishda kiritilishiga yo‘l qo‘yilishi mumkin.

Bank ro‘yxatdan o‘tgan muddatda ta‘sischilar tomonidan bankning ustav kapitaliga qo‘yilgan pul mablag‘larining yig‘ilgan qismini Markaziy bankda yoki boshqa O‘zRning Banklarda ochilgan hisobvarag‘ida vaqtincha saqlash uchun qo‘yadilar. Shuningdek, amaldagi me‘yoriy hujjatlar<sup>14</sup>ga ko‘ra yangi tashkil etilayotgan banklar uchun ustav kapitalining eng kam minimal miqdori belgilab qo‘yilgan.

---

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438 сонли Қарори

<sup>14</sup> Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидалари (ЎЗР АВда 2009 йил 30 августда 2000-сон билан рўйхатга олинган)

Bunga ko'ra, tijorat banklari -10.0 million evroni, xususiy banklar uchun 5.0 million evro ekvivalenti hisobida belgilab qo'yilgan.

Ta'sischi tomonidan bankning tashkil etilishida qarorlar qabul qilishda, buxgalteriya hisobi va hisobotini yuritish uchun markaziy bank tomonidan o'rnatilgan milliy valyutaning kursida ko'zda tutilgan ustav kapitalining minimal miqdorining shakllanishi bo'yicha hisoblaniladi.

Bank tashkil etilishida ustav kapitali summasi miqdorida nomiga yozilgan aksiyalar chiqarilib, ro'yxatdan o'tgan kundan bir yilgacha bo'lgan muddatda bank aksiyadorlari tarkibidan chiqish huquqiga ega bo'lmagan ta'sischi o'rtasida ushbu aksiyalar taqsimlanadi. Aksiyadorlik jamiyati ochiq va yopiq usulda aksiyaga a'zo ettirilib, aksiyani joylashtirishni o'tkazish huquqiga ega.

Bunday hollarda aksionerlik jamiyati ustavida ko'rsatilgan usul bo'yicha aksiyalar joylashtiriladi. Agar ustavida aksiyalarni joylashtirish usuli qayd qilinmagan bo'lsa, u holda aksionerlarning umumiy yig'ilishida ko'rib chiqilib qaror qabul qilinadi, ularning ushbu qarori asosida aksiyalarni ochiq yoki yopiq usulda joylashtirish aniqlaniladi. Aksionerlik jamiyatining ustavida e'lon qilingan aksiyalarning joylashtirilishi tartibi, shartlari, aktsiya kategoriyasi, aktsiyaning nominal boshlang'ich qiymati va miqdori hamda shu tartibda aksiyalarni qayta chiqarilish emissiyasi ham ko'rsatilgan bo'lishi kerak.

Agar aksiyalarni joylashtirish tartibi, ya'ni aksiyani ochiq yoki yopiq turda a'zo qilinishi ustavda ham, aksionerlarning umumiy yig'ilish qarorida ham ko'rsatilib aniqlanmagan bo'lsa, u holda aksiyaga a'zo qilish tartibi ochiq turda aksiyaga a'zo qilinishi mumkin. Ustavda aksiyani joylashtirish tartibi ko'rsatilmagan bo'lsa, u holda aksionerlik jamiyati qo'shimcha bunday aksiyalarni chiqarish huquqiga ega bo'lmaydi.

ТИФ миллий банки Сергели филиалида qimmatli qog'ozni tayyorlovchidan olingan va berilgan qimmatli qog'ozlar blankasi uchun quyidagicha shartli 1 so'm miqdorida hisobvarag'larda aks ettiriladi:

a) qimmatli qog'oz blankasi olinganda:

Dt 90327- «Bankning qimmatli qog'ozlari blankalari» hisobvarag'i,

Kt 96314- «Bankning qimmatli qog'ozlari blankalari bo'yicha kontr-hisobvarag'i».

b) qimmatli qog'oz berilganda:

Dt 96314 - «Bankning qimmatli qog'ozlari blankalari bo'yicha kontr-hisobvarag'i,

Kt 90327- «Bankning qimmatli qog'ozlari blankalari» hisobvarag'i.

Ularning analitik hisobi har bir qimmatli qog'oz turi bo'yicha alohida hisobvarag'larda yuritiladi. Qimmatli qog'ozni ishlab chiqarish va tayyorlash bilan bog'liq xarajatlar 56795- «Boshqa operatsion xarajatlar» hisobvarag'ining «Qimmatli qog'ozlar blankalarini tayyorlash xarajatlari» deb nomlanuvchi alohida hisobvarag'i debetida hisobga olinadi.

ТИФ миллий банки Сергели филиалида ustav kapitali va chiqariladigan aksiyalarni hisobga olish uchun birinchi tartibli 30300- «Ustav kapitali» hisobvarag'i va unga tegishli ikkinchi tartibli hisobvaraqlardan foydalaniladi. Analitik hisobi har bir aksioner bo'yicha alohida hisobvarag'larda yuritiladi. Yuqoridagi hisobvarag'lar

quyidagi hisobvaraqlar bilan korrespondentsiyada bo‘ladi: 10101- “Amaliyot (operatsion) kassadagi naqd pullar”-«Amaliyot (operatsion) kassadagi naqd pullar» - aktsiya uchun naqd pul kassaga to‘langanda, 10301- «Markaziy bankdagi vakillik hisobvarag‘i - Nostro» yoki 10501- «Boshqa banklardagi vakillik hisobvarag‘i - Nostro» -boshqa banklardan aktsiya uchun pul mablag‘lari kelib tushganda, xo‘jalik yurituvchi sub’ektlarning talab qilib olguncha depozit hisobvarag‘idan, bank aksionerlaridan, ushbu bank xizmat ko‘rsatadigan mijozlardan pullar aktsiya uchun to‘lov amalga oshirilganda sodir bo‘ladi.

ТИФ миллий банки Сергели филиали aktsiyasiga obuna ro‘yxatga olinganligi uchun, lekin to‘lik puli to‘lanmagan va aktsiya (sertifikati ) ham berilmagan vaqtda quyidagi hisobvarag‘larda aks ettiriladi:

Dt 10101- “Amaliyot (operatsion) kassadagi naqd pullar” hisobvarag‘i, Kt 30303- “Imtiyozli aktsiyalar uchun obuna mablag‘ining to‘lanmagan qismi (kontr-passiv)” yoki 30306- “Oddiy aktsiyalar uchun obuna mablag‘ining to‘lanmagan qismi (kontr-passiv)” hisobvarag‘i.

A'zo bo‘lgan aktsiya qiymati bilan aktsiya uchun to‘langan pul mablag‘i farqiga, ya'ni, to‘lanishi kerak bo‘lgan summaga buxgalteriya hisobida quyidagicha yozuv yoziladi:

Dt 10101- “Amaliyot (operatsion) kassadagi naqd pullar” hisobvarag‘i,

Kt 30309- “Ro‘yxatdan o‘tkazilgan ustav kapitali – Imtiyozli” yoki 30312- “Ro‘yxatdan o‘tkazilgan ustav kapitali – Oddiy” hisobvarag‘i.

ТИФ миллий банки Сергели филиали obuna bo‘lgan aktsiya uchun puli to‘liq to‘langanda, aksionerlik kapitalidagi ulushi tasdiqlanib, aktsiya (sertifikat) blankasi berilganda, esa, a) aktsiya uchun to‘lanishi kerak bo‘lgan qoldiq summa to‘langanda,

Dt 10101- “Amaliyot (operatsion) kassadagi naqd pullar” hisobvarag‘i,

Kt 30303- “Imtiyozli aktsiyalar uchun obuna mablag‘ining to‘lanmagan qismi (kontr-passiv)” yoki 30306- “Oddiy aktsiyalar uchun obuna mablag‘ining to‘lanmagan qismi (kontr-passiv)” hisobvarag‘i. b) aktsiya (sertifikat) blankasi berilganda, Dt 30309- “Ro‘yxatdan o‘tkazilgan ustav kapitali – Imtiyozli” yoki 30312- Ro‘yxatdan o‘tkazilgan ustav kapitali – Oddiy” hisobvarag‘i,

Kt 30315- “Chiqarilgan ustav kapitali – Imtiyozli” yoki 30318- “Chiqarilgan ustav kapitali – Oddiy” hisobvarag‘i.

Aktsiyaning nominal boshlang‘ich qiymati bilan obuna qilingan aktsiya qiymati o‘rtasidagi farq summasiga 30603- “Qo‘shimcha capital” hisobvarag‘ining «O‘z aktsiyasini sotishdan qo‘shilgan kapital» hisobvarag‘i kreditiga yozuv qilinadi. Bir vaqtning o‘zida aktsiya (sertifikati) blankasi berilganda, Dt 30309- “Ro‘yxatdan o‘tkazilgan ustav kapitali – Imtiyozli” yoki 30312- Ro‘yxatdan o‘tkazilgan ustav kapitali – Oddiy” hisobvarag‘i,

Kt 30315- “Chiqarilgan ustav kapitali – Imtiyozli” yoki 30318- “Chiqarilgan ustav kapitali – Oddiy” hisobvarag‘i.

Aktsiyani sotishda boshlang‘ich nominal qiymatidan haqiqatda sotilgan qiymati o‘rtasidagi oshiqcha farq summasiga 30603- «Qo‘shilgan kapital» hisobvarag‘ining «O‘z aktsiyasini sotishdan qo‘shilgan kapital» hisobvarag‘i kreditiga yozuv qilinadi.

## **2.2. Банкнинг хусусий капитални шакллантириш ва уларнинг ҳисобини ташкил қилишнинг амалиёти**

ТИФ миллий банки Сергели филиалида устав капиталини ҳисобга олиш учун ҳисобварақлар режасида кейидаги ҳисобварақлардан фойдаланилади:

30300 Устав капитали

30303 - Имтиёзли акциялар учун обуна маблағининг тўланмаган қисми  
(контр-пассив)

30306 - Оддий акциялар учун обуна маблағининг тўланмаган қисми  
(контр-пассив)

30309 - Рўйхатдан ўтказилган устав капитали - Имтиёзли

30312 - Рўйхатдан ўтказилган устав капитали - Оддий

30315 - Чиқарилган устав капитали - Имтиёзли

30318 - Чиқарилган устав капитали - Оддий

30321 - Акциядорлардан қайта сотиб олинган акциялар - Имтиёзли  
(контр-пассив)

30324 - Акциядорлардан қайта сотиб олинган акциялар - Оддий (контр-пассив)

Тахлилий ҳисобда хиссадорлар бўйича алоҳида шахсий счетлар юритилади.

ТИФ миллий банки Сергели филиали ustavida e'lon qilingan aktsiyalarni joylashtirilish tartibi va shartlari hamda huquq va burchlari qar bir tur aktsiyani olish uchun belgilangan. Ushbu shart- sharoitlar ustavda keltirilmagan bo'lsa u holda jamiyat qo'shimcha bunday turdagi aktsiyalarni chiqarish va joylashtirish huquqiga ega bo'lmaydi. Jamiyatning ustaviga o'zgartirish va to'ldirishlar aktsionerlarning umumiy yig'ilishi qarori asosida qabul qilinib kiritiladi.

Aktsioner jamiyatining dastlabki joylashtirilgan aktsiyalari uchun hamma to'lovlar amalga oshirilgandan keyin, yangi aktsiya emissiyasini chiqarish mumkin. Navbatdagi aktsiyani chiqarish tartibi oldingi aktsiya emissiyasi bo'yicha hamma hisob-kitoblar yakuniga etkazilib bo'lgandan keyin ta'sis hujjatiga o'zgartirish kiritilib, shundan so'ng chiqariladigan aktsiyani davlat ro'yxatidan o'tkaziladi.

Qimmatli qog'ozlarning emissiyasini ro'yxatga oluvchi organlar davlat ro'yxatidan o'tkazish va ro'yxatga olishi uchun emitent tomonidan quyidagi hujjatlar taqdim etiladi: qimmatli qog'ozlarni ro'yxatga olish to'g'risidagi arizasi, biznes reja (investitsiya deklaratsiyasi), ta'sis hujjatlarining notarial tasdiqlangan nusxasi (o'zgarish va qo'shimchalar kiritilgan holda), tegishli boshqaruv organlaridan davlat ro'yxatidan o'tganlik to'g'risidagi emitent guvohnoma nusxasi, qimmatli qog'ozlarni chiqarish to'g'risidagi oliy boshqaruv organining qarori, ikki nusxadagi qimmatli qog'ozlar emissiya prospekti (qimmatli qog'ozni (ommaviy) ochiq joylashtirilganda), ikki nusxada qimmatli qog'oz to'g'risida axborot ma'lumoti (qimmatli qog'ozni yopiq (xususiy) joylashtirilganda), ikki nusxadagi qimmatli qog'ozning namuna nusxasi, o'rnatilgan miqdordagi yig'implarni to'laganlik to'g'risidagi to'lov hujjatlaridan ko'chirma nusxasi, oldingi chiqarilgan emissiya yakuni to'g'risida hisobot (ikkilamchi va navbatdagi emissiya) va boshqalar.

Emitent tomonidan arizaga zaruriy hujjatlar ilova qilib berilgan muddatdan 20 kun ichida kechikmasdan qimmatli qog'ozni chiqarish davlat ro'yxatidan o'tkazilib,

hamma hujjatlar va hujjatlardagi ma'lumotlar talab darajasida bo'lsa, emitentga oy, kun, yili va davlat ro'yxatga olingan son raqami ko'rsatilgan va buni tasdiqlovchi guvohnoma beradi.

Qimmatli qog'ozlarni milliy yagona identifikatsiya sonlash tizimi va qimmatli qog'ozlarni chiqarishni yagona davlat reestrini yuritish tartibi» asosida qimmatli qog'ozlarni ro'yxatga olinib davlat raqami beriladi. Emitentga ip bilan tikilgan va ro'yxatga oluvchi organ tomonidan pechat muhri bilan tasdiqlangan bir nusxada emissiya prospekti, guvohnoma ko'rsatigan naryad bilan birgalikda beriladi. Qimmatli qog'oz ro'yxatdan o'tkazilgandan keyin 10 kun muddat ichida emissiya prospekti ommaviy axborot vositasida yoki maxsus nashrda aniq markazdan hamma potentsial qimmatli qog'oz xaridorlarini aborot berib xabardor qilish maqsadida nashr etiladi.

Agar emitent qimmatli qog'ozlarni ochiq joylashtirsa, u holda bir vaqtning o'zida qimmatli qog'ozlarni chiqarish to'g'risida ma'lumotlar albatta ko'rsatilib, ommaviy axborot vositalarida xabar beriladi. Unda, emitentning statusi, to'lik nomi, manzili, chiqariladigan qimmatli qog'ozning turi va hajmi miqdori, mulkdorning investor doirasi, qimmatli qog'ozni ommaviy chiqarish va yakunlash muddati, emissiya prospekti bilan tanishtirilishi, ushbu chiqarilayotgan qimmatli qog'ozni olishi mumkin bo'lgan joy va shu kabi ma'lumotlar ko'rsatilishi kerak.

Navbatdagi emissiya prospekti ro'yxatga olingandan keyin bank ustav kapitaliga mablag'ni jalb qilishga faol kirishadi. Aktsionerlar yangi chiqarilgan aktsiyaga a'zo bo'lishni kafolatlash uchun qo'yilmalarini depozitga qo'yishi mumkin, bu holda buxgalteriya hisobida quyidagicha yozuv amalga oshiriladi<sup>15</sup>:

Dt 10101- "Amaliyot (operatsion) kassadagi naqd pullar" hisobvarag'i,

Kt 29830- "Aktsiyalar uchun obuna mablag'ini to'lash bo'yicha depozitlar" hisobvarag'i.

Agar aktsiyalar sotilganda va aktsiya (sertifikati) blankasi berilganda buxgalteriya hisobida quyidagicha yozuv amalga oshiriladi:

Dt 29830- "Aktsiyalar uchun obuna mablag'ini to'lash bo'yicha depozitlar" hisobvarag'i,

Kt 30315- "Chiqarilgan ustav kapitali – Imtiyozli" hisobvarag'i yoki 30318- "Chiqarilgan ustav kapitali – Oddiy" hisobvarag'i.

Bir vaqtning o'zida aktsiya sertifikati berilganda,

Dt 30309- "Ro'yxatdan o'tkazilgan ustav kapitali – Imtiyozli" yoki 30312- "Ro'yxatdan o'tkazilgan ustav kapitali – Oddiy" hisobvarag'i,

Kt 30315- "Chiqarilgan ustav kapitali – Imtiyozli" hisobvarag'i yoki 30318- "Chiqarilgan ustav kapitali – Oddiy" hisobvarag'i.

E'lon qilingan aktsiyalar uchun dividend hisoblanganda:

Dt 31203- "Taqsimlanmagan foyda (aktiv-passiv)" - yillik dividend hisoblanganda,

Dt 31206- "Sof foyda (zarar) (aktiv-passiv)"- oraliq dividend hisoblanganda hisobvarag'i,

---

<sup>15</sup> Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида йўриқнома (ЎзР АВда 2009 йил 19 январда 1885-сон билан рўйхатга олинган).

Kt 29822- “To‘lanishi lozim bo‘lgan dividendlar” hisobvarag‘i.

ТИФ миллий банки Сергели филиали bank farmoyishiga ko‘ra imtiyozli aksiyalar uchun dividend hisoblash davrida bank foydasi yetishmagan holatda 30903 – «Umumiy zahira fondi» hisobvarag‘i hisobidan qoplanadi. Bunda,

Dt 30903-«Umumiy zahira fondi» hisobvarag‘i,

Kt 29822- “To‘lanishi lozim bo‘lgan dividendlar” hisobvarag‘i va dividend to‘langanda, esa,

Dt 29822- “To‘lanishi lozim bo‘lgan dividendlar” hisobvarag‘i,

Kt 10101- “Amaliyot (operatsion) kassadagi naqd pullar” -hisobvarag‘i.

Agar ТИФ миллий банки Сергели филиали tomonidan xarid qilingan o‘z aksiyalarini Markaziy bankning ruxsati bilan qayta sotishi yoki aksiyani bekor qilishi mumkin. Ular,

Dt 30321- “Aktsiyadorlardan qayta sotib olingan aksiyalar - Imtiyozli (kontrpassiv)” va 30324- Aktsiyadorlardan qayta sotib olingan aksiyalar - Oddiy (kontrpassiv)” hisobvaraqlari,

Kt 10101- “Amaliyot (operatsion) kassadagi naqd pullar”- hisobvarag‘i yoki mijozning hisobvarag‘ida hisobga olinadi.

Xarid qilingan aksiyalar haqiqiy xarid bahosida balans hisobida aksioner kapitali umumiy summasidan ayrilib hisobga olinadi, bunda,

Dt 30321- “Aktsiyadorlardan qayta sotib olingan aksiyalar - Oddiy (kontrpassiv)” va 30324- “Aktsiyadorlardan qayta sotib olingan aksiyalar - Oddiy (kontrpassiv)” hisobvarag‘lari,

Kt 10101- “Amaliyot (operatsion) kassadagi naqd pullar”- hisobvarag‘i yoki mijozning hisobvarag‘ida hisobga olinadi.

Agar ТИФ миллий банки Сергели филиали aksiyasini bekor qilish uchun xarid qilsa, 90327- “Bankning qimmatli qog‘ozlari blankalari” hisobvarag‘idan, 96314- “Bankning qimmatli qog‘ozlari blankalari bo‘yicha kontr-hisobvarag‘i”ga o‘tkaziladi. Ushbu xarid qilingan aktsiya keyingi ikkilamchi bozorda yuqori bahoda qayta sotilsa,

Dt 10101- “Amaliyot (operatsion) kassadagi naqd pullar” yoki 20200-“Talab qilib olinguncha saqlanadigan depozitlar” hisobvarag‘i,

Kt 30321- “Aktsiyadorlardan qayta sotib olingan aksiyalar - Oddiy (kontrpassiv)” va 30324- “Aktsiyadorlardan qayta sotib olingan aksiyalar - Oddiy (kontrpassiv)” aktsiyaning haqiqiy bahosiga hisobga olinadi.

Aktsiyani sotib olish narxiga

Dt 30321- “Aktsiyadorlardan qayta sotib olingan aksiyalar - Oddiy (kontrpassiv)” va 30324-“Aktsiyadorlardan qayta sotib olingan aksiyalar - Oddiy (kontrpassiv)” hisobvarag‘i - aktsiyaning haqiqiy bahosi,

Kt 10101- “Amaliyot (operatsion) kassadagi naqd pullar” yoki 20200-“Talab qilib olinguncha saqlanadigan depozitlar” hisobvarag‘ida hisobga olinadi.

Xarid qilib olingan aksiyalar qayta sotilganda 30603- «Qo‘shilgan kapital hisobvarag‘ining» «Xarid qilingan o‘z aksiyasini sotishdan qo‘shilgan kapital» balans hisobvaragida xarid qiymati bilan qayta sotish o‘rtasidagi ijobiy farq summasiga hisobga olinadi. Bir vaqtning o‘zida aktsiya (sertifikati) blankasi berilganda, 96314- «Bankning qimmatli qog‘ozlari bo‘yicha kontr –hisobvarag‘idan,



aktsiyaning nominal bahosiga 90337- «Bankning sotib olingan qimmatli qog‘ozlari» hisobvarag‘i o‘tkaziladi.

Xarid kilingan aktsiyalar ikkilamchi bozorda xarid narxidan past bahoda sotilsa?

Dt 10101- “Amaliyot (operatsion) kassadagi naqd pullar” yoki 20200-“Talab qilib olinguncha saqlanadigan depozitlar” hisobvarag‘i,

Kt 30321- “Aktsiyadorlardan qayta sotib olingan aktsiyalar - Oddiy (kontr-passiv)” yoki 30324- -“Aktsiyadorlardan qayta sotib olingan aktsiyalar - Oddiy (kontr-passiv)” hisobvarag‘i- aktsiyaning haqiqiy bahosi.

Bunda aktsiyalarning sotib olish bahosi va ularni qayta sotish bahosi o‘rtasidagi salbiy farq 30603- «Qo‘shimcha kapital» hisobvarag‘i «Xarid qilingan o‘z aktsiyalarini sotishdan olingan qo‘shimcha kapital» shaxsiy hisobvarag‘iga uning kredit qoldigi miqdori chegarasida o‘tkaziladi. 30603- «Qo‘shimcha kapital» hisobvarag‘ining «Xarid qilingan o‘z aktsiyalarini sotishdan olingan qo‘shimcha kapital» shaxsiy hisobvarag‘i nolga teng bo‘lsa, salbiy farq 31206-«Sof foyda(zarar)» hisobvarag‘iga o‘tkaziladi. Aktsiyalarni bekor qilishda va bank aktsiyadorlik kapitalini kamaytirishda

Dt 30315- “Chiqarilgan ustav kapitali – Imtiyozli” yoki 30318- “Chiqarilgan ustav kapitali – Oddiy” hisobvarag‘i,

Kt 30321- “Aktsiyadorlardan qayta sotib olingan aktsiyalar - Imtiyozli (kontr-passiv)” yoki 30324- “Aktsiyadorlardan qayta sotib olingan aktsiyalar - Oddiy (kontr-passiv)” hisobvarag‘i.

Ularning sotib olish narxi buxgalteriya hisobida teskari provodka beriladi.

Шундай қилиб, шахсий акцияларни сотиб олиш ва номинал қийматлари орасидаги муқбат фарқ юқорида кўрсатилганларга биноан ҳисобга олинади. Шахсий акцияларни сотиб олиш ва номинал қийматлари орасидги манфий фарқ юқоридагиларга биноан ҳисобга олинади.

### **2.3. Банкнинг хусусий капитали таркибидаги фондлар ва захиралар ҳисобини ташкил қилиш масалалари**

ТИФ миллий банки Сергели филиалининг захира капитали- банкнинг умумий ва махсус мақсадлари учун (масалан, девальвация учун захира, траст операциялари бўйича бизнес режа учун захира, кўзда тутилмаган харажатлар, табиий офатлар натижасидаги зарарлар учун захира ва бошқа мақсадлар учун) яратилган захирасининг ҳисоби 30903-“Умумий захира фонди”, 30906-“Девальвация учун захира” ҳисобварақасида олиб борилади. Ушбу захира банкнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобига ташкил этилади. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан сўнг соф фойда ҳисобига шакллланган захиралардир.

Ушбу захираларга ажратилган чегирмалар миқдори очиқ эълон қилинадиган ҳисоботда кўрсатилиши лозим. Захирадан банк фаолиятида вужудга келадиган турли зарарларни улар юзага келиши биланоқ ҳеч қандай чеклашларсиз қоплаш учун фойдаланилади. Бундан мазкур захиралар ҳисобига қопланадиган барча зарарлар фойда ва зарарлар ҳисобида акс эттирилади. 30903-“Умумий захира фонди” бўлиб, бу ҳисобварағи банкнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобидан умумий мақсадлар (масалан, банк

фаолиятини кенгайтириш, банк учун зарурий воситаларни сотиб олиш ва кўзда тутилмаган харажатлар, табиий офатлар натижасидаги зарарларучун ва ҳоказо) учун ташкил этган заҳираси ҳисобини юритиш учун мўлжалланган.

ТИФ миллий банки Сергели филиалида 30906-“Девальвация учун заҳира” счёти бўлиб, бу ҳисобварақда миллий валютанинг девальвацияси натижасида кўриши кўриши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун яратилган зарарнинг ҳисоби юритилади. Ушбу заҳира маблағлари банкнинг тақсимланмаган фойдасининг маълум қисмидан ва валютадаги банк активининг устав капиталига тегишли эквивалентини қайта баҳолаш натижасида ҳисобланган маблағлардан ташкил топган.

Махсус заҳиралар-“Стандарт”, “Субсандарт”, “Шубҳали” ва “Умидсиз” деб таснифланган кредит ва лизинг операциялари ёки бошқа алоҳида муайян активлар бўйича юзага келиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун заҳира ташкил қилинади.

Тақсимланмаган фойда. Бу ҳисобварағи банкнинг бутун фаолияти давомида олган фойдасининг тақсимланмаган қисми ҳисобини юритиш учун мўлжалланган. Ўз ичига қуйидаги ҳисобрақамларни олади:

- йиллик,
- соф фойда;
- бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳоланганда кўшимча қиймат<sup>16</sup>.

31206-“Соф фойда (зарар) (актив-пассив). Бу ҳисобварағи ҳисобот йилида банк фаолиятининг молиявий натижалари бўйича йиллик фойда ёки зарарлари ҳисобини олиб бориш учун мўлжалланган. Ушбу ҳисобварағи банкнинг йиллик ҳисоботи топширилгандан сўнг ёпилади.

Агар банк молиявий ҳисобот яқунларига кўра фойда билан чиқса, ушбу ҳисобрақам кредит қолдиқ билан ёпилади. Бошланғич қийматга нисбатан қайта баҳолангандан кўшимча қиймат ҳисобварағи инфляция натижасида банк асосий воситалари қиймати қайта баҳоланганда уларнинг бошланғич ва бозор қийматлар ўртасидаги ижобий фарқ, яъни бошланғич баҳосига нисбатан кўшимча қийматининг суммаси акс эттирилади.

ТИФ миллий банки Сергели филиали капиталининг учта асосий функцияларини ажратиб кўрсатишимиз мумкин. Булар:

- ҳимоя;
- оперативлик;
- тартибга солиш функцияларидир.

Банк омонатчилари манфаатларини ҳимоя қилиш банкнинг ўз капиталининг асосий функцияси бўлиб хизмат қилади. Чунки банк активларининг асосий қисми омонатчилар ҳисобига ташкил топади. Бундан ташқари банк капитали акционерлар рискларини камайтиради.

Ҳимоя функцияси - зарар кўриш хавфи туғилганда актив резервлар шакллантириш йўли орқали банкнинг тўлов қобилиятини сақлаб қолиш, мабодо

---

<sup>16</sup> Абдуваҳидов Ф.Т. Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. –Т.: “Иқтисод-молия -” нашриёти. 2012. 315 бет.

банк тугатилганда омонатчиларга компенсация тўлаш имкониятини беради. Бу эас, ўз навбатида, банкнинг кейинги фаолият кўрсатишига кенг йўл очиб беради. Лекин шуни эътиборга олишимиз керакки, банклар кўпгина корхоналардан фарқли ўлароқ ўзларининг тўловга қобилиятлигини жорий банк даромади ҳисобига таъминлайдилар ва фақатгина зарарнинг бир қисми капитал ҳисобига қопланади.

Капитал ўзига хос ҳимоя ёстиғи ролини ўйнаб, йирик кўзда тутилмаган ҳаражатлар шароитида банк ўз операцияларини давом эттириш имкониятини беради. Шу каби чиқимларни молиялаштириш учун банк ўз капитали ичига кирувча турли хил резерв фондлар мавжуд. Лекин мижозларнинг ссудаларини оммавий қайтарилмаслиги юз берганда, зарарни қоплаш учун акционерлик капитали бир қисминигина ишлатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Банк ўз капиталининг мавжудлиги унинг ишончлиги ва ликвидлилигининг биринчи шартидир.

Банк ўз капиталининг ҳимоя функциясига қараганда оперативлик функцияси иккинчи даражали бўлиб ҳисобланади. У банкнинг ўз маблағларини ер, бино, иншоот жиҳозларни қоплаш учун молиявий резервларни шакллантиришга ажратишни ўз ичига олади. Бу молиявий ресурслар манбаи банк иши фаолиятининг биринчи босқичларида, таъсисчилар билан бир қаторда биринчи навбатдаги ҳаражатларни амалга оширишларида жуда кераклидир. Банк ривожланишининг кейинги босқичларида банк капиталининг роли муҳим бўлиб, бу маблағларнинг бир қисми тўғри резервларни ташкилкилиш учун узоқ муддатли активларга сарфланади. Гарчи зарарни қоплашнинг асосий манбаи фойда жамғариш бўлса ҳам зарарни қоплаш учун янги акциялар чиқаришади ёки узоқ муддатли қарз олинади.

Банкнинг ўз капитали тартибга солувчи функцияни ҳам бажаради. Банк капитали кўрсаткичи ёрдамида давлат органлари банк фаолиятига баҳо берадилар ва назорат қиладилар. Одатда, банк ўз капиталига унинг минимал миқдори, активлар меъёри ва бошқа банк активини сотиб олиш шартлари бўйича талаб қўйилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банк томонидан ўрнатилган иқтисодий меъёрлар, асосан банкнинг ўз капитали ҳажмидан келиб чиқади. Тартибга солувчи функцияга капитални ссуда ва инвестицион операцияларни чегаралаш мақсадида ишлатиш ҳам киради.

Банкнинг устав фондини ўзгариши устав фонди миқдорининг оширилиши ва камайтирилиши шаклларида амалга оширилши мумкин. Банк устав капитали кўшимча акцияларни жойлаштириш ёки акцияларни номинал қийматини кўтариш йўли билан оширилиши мумкин. Шуни айтиш керакки, банк капиталининг асосий мақсади- рискни камайтириш ва капиталнинг молиявий ресурслар бозорига кириш йўлини таъминлашидадир.

ТИФ миллий банки Сергели филиалида банк капитали операцион ҳаражатларни молиявий бозорларга эркин кириб боришини таъминлаш орқали камайтириди. Банк капитали доимий манбалардан одатдаги ставкаларда қарз олишга имкон беради. Катта миқдордаги капитал банкнинг барқарор обрўини ва омонатчилар ишончини таъминлайди.

Шундай қилиб, банк капитали- банк тижорат фаолиятининг асосидир. У банк мустақиллигини ва турли рисклар бўйича салбий оқибатларни олдини олиш манбаи бўлиб, молиявий барқарорликни таъминлайди.

### 3-Боб. ТИФ миллий банки Сергели филиалининг хусусий капитали таҳлили ва уни такомиллаштириш масалалари

#### 3.1. Банкнинг хусусий капитали таркиби ва уларнинг ҳаракати таҳлили

Тижорат банкларининг ўз капиталига устав, резерв капитали, ташкил этилган жамғармаларга ажратмалар ҳамда тақсимланган фойда киради.

Таҳлил учун асосий манба бўлиб, тижорат банклари бухгалтерия баланси ҳисобланади. Бахгалтерия балансида алоҳида “Хусусий капитал” бўлими бўлиб, бу бўлимда алоҳида сатрларда хусусий капитални ташкил этувчи моддаларнинг суммалари баланс тузилган санага берилади. Бу суммалар баланс тузилган санага банкнинг оддий акциялар, имтиёзли акциялар бўйича акциядорлардан олинган маблағлар манбаи, ташкил этилган резервдаги маблағлар манбаи ва тақсимланмаган фойда қанча эканлигини кўрсатади.

Таҳлилда биринчи навбатда “Хусусий капитал” бўлимининг умумий суммаси ҳисобот даври охири ва бошидаги суммалари таққосланиб, қанчалик ўзгаргани аниқланади. Кейинчалик уларнинг таркиби ўрганилиб, ўзгариш қайси моддалар бўйича содир бўлганлиги ва унинг сабаблари ўрганилади. Мамлакатимиз тижорат банклари Хукуматимиз макроиктисодиётини барқарорлаштириш бўйича амалга оширган чора-тадбирлар туфайли, фаолиятини ривожлантириб, даромадли ишламоқда. Натижада, уларнинг хусусий капитали йилдан-йилга кўпайиб, молиявий барқарорлиги мустаҳкамланмоқда.

2013-2014йилларда ТИФ миллий банки Сергели филиалининг баланс маълумотлари ўрганилганда, қуйидаги натижаларга эга бўлдик (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал.

2013-2014 йилларда ТИФ миллий банки Сергели филиалининг баланс таркиби таҳлили<sup>17</sup>

(минг сўм ҳисобида)

№	Кўрсаткичлар	2013 йил	2014 йил
	активлар		
1	Нақд пуллар ва бошқа каса ҳужжатлари	17 934 206	18 120 349
2	ЎзРМБдаги пул маблағлар	216 967 081	192 683 744
3	Бошқа банкдаги маблағлар	30 044 110	39 844 289
4	Қимматбаҳо тангалар	6 451	6 990
5	Мижозларга берилган кредитлар соф қолдиғи	1 001 824 558	1 031 448 378
6	Инвестициялар	14 946 596	62 260 821
7	Асосий воситалар	50 316 991	63 674 879
8	Бошқа активлар	42 782 717	272 870 371
	<b>жами активлар</b>	<b>1 377 822 711</b>	<b>1 680 909 821</b>

<sup>17</sup> 2013-2014 йилларда ТИФ миллий банки Сергели филиалининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларидан олинди

	<b>мажбуриятлар</b>		
9	Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар	477 826 448	485 508 099
10	Жамғарма депозитлар	99 099 056	63 553 463
11	Муддатли депозитлар	35 113 775	210 500 463
12	Банкларнинг депозитлари	0	0
13	Бошқа банклардан олинган кредитлар	102 284 184	140 820 367
14	Бошқа ссудалар	240 799 194	307 433 523
15	Бошқа мажбуриятлар	250 144 764	252 200 002
	<b>жами мажбуриятлар</b>	<b>1 205 234 421</b>	<b>1 460 016 415</b>
	<b>капитал</b>		
16	Акционерлик капитали	80 100 000	115 000 000
17	Қўшимча капитал	1 416 878	1 416 378
18	Фондлар	72 740 233	82 834 743
19	Тақсимланмаган фойда	18 331 179	21 641 784
	<b>жами капитал</b>	<b>172 588 290</b>	<b>220 893 405</b>
	<b>жами мажбуриятлари ва капитали</b>	<b>1 377 822 711</b>	<b>1 980 909 821</b>
	<b>кўзда тутилмаган вазиятлар моддалари</b>		
20	Кафолатлар (банк томонидан берилган)	7 533 691	4 291 661
21	Бошқа кўзда тутилмаган вазиятлар ҳисобрақами	9 201 694 066	11 825 645 356
	<b>жами кўзда тутилмаган вазиятлар ҳисобрақами</b>	<b>9 209 227 757</b>	<b>11 829 937 016</b>

Маълумотлардан кўришиб турибдики, ТИФ миллий банки Сергели филиалининг баланс таркиби 2013 йилда 1377822711 минг сўмни, 2014 йилда 1980909821 минг сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 603087110 минг сўм ёки 1.44 %га ортган. Ушбу йилда акциядорлик капитали суммаси 2014 йилда 220893405 минг сўмга тенг бўлган.

ТИФ миллий банки Сергели филиалининг капитали таркиби таҳлил этилган қуйидаги маълумотга эга бўлди (2-жадвалга қarang).

2-жадвал.

2013-2014 йилларда ТИФ миллий банки Сергели филиалининг капитали динамикаси таҳлили<sup>18</sup>

(минг сўм ҳисобида)

№	Баланс пассиви таркиби	2013 йил		2014 йил		Ўзгариши	
		минг сўм	улуши %да	минг сўм	улуши %да	минг сўм	улуши %да
	<b>КАПИТАЛ</b>		12.53				

<sup>18</sup> 2013-2014 йилларда ТИФ миллий банки Сергели филиалининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларидан олинди

8	Акционерлик капитали	80 100 000	46.41	115 000 000	52.06	34 900 000	72.25
9	Кўшимча капитал	1 416 878	0.82	1 416 378	0.64	x	x
10	Фондлар	72 740 233	42.15	82 834 743	37.50	10 094 510	20.90
11	Тақсимланмаган фойда	18 331 179	10.62	21 641 784	9.80	3 310 605	6.85
	<b>ЖАМИ КАПИТАЛ</b>	<b>172 588 290</b>	<b>100.00</b>	<b>220 893 405</b>	<b>100.00</b>	<b>48 305 115</b>	<b>100</b>

2-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики банкнинг капитали ўтган йилга нисбатан 48305115 минг сўмга ёки 28 %га ошган.

Жами капиталдаги улуши бўйича ўзгариш акционерлик капиталнинг ортиши  $72.25\% = (34900000 \cdot 100 / 48305115)$ , фондларнинг ортиши  $20.90\% = (10094510 \cdot 100 / 48305115)$  тўғри келган.

Ўтган йилдагига нисбатан ўзгариш  $43,6\% = (115000000 / 80100000)$  акционерлик капитали,  $14\% = (82834743 / 72740233)$  фондлари ҳисобига тўғри келган. Бунга асосий сабаб, устав капиталининг оширилишидир.

Шунингдек, ТИФ миллий банки Сергели филиалининг йил якуни бўйича ижобий натижага эга бўлганлиги баланс маълумотларидан кўринмоқда. Чунки, тақсимланмаган фойда суммасидан ҳам кўриш мумкин. Бу ўз навбатида, банкнинг молиявий аҳволи ўтган йилга нисбатан анча яхшиланганлигидан далолат беради.

### 3.2. Банкнинг хусусий капиталини шакллантиришга таъсир этувчи мажбуриятлар таҳлили

ТИФ миллий банки Сергели филиалининг хусусий капитални шакллантириш, уларнинг га таъсир этувчи омиллар бўлиб, жалб қилинган маблағлар, депозитлар, шунингдек ,контокоррент ва корреспондент ҳисоб варақларидаги маблағлар ҳисобланади. Тадқиқот объекти ҳисобланган ТИФ миллий банки Сергели филиалида мажбуриятларнинг 2013-2014 йиллардаги ҳолатини кўриб чиқамиз (3-жадвалга қаранг).

3-Жадвал

#### 2010-2011 йилларда ТИФ миллий банки Сергели филиалининг мажбуриятлари таркиби таҳлили<sup>19</sup>

№	Баланс пассиви таркиби	2013 йил		2014 йил		Ўзгариши	
		минг сўм	улуши %да	минг сўм	улуши %да	минг сўм	улуши %да
<b>Мажбуриятлар</b>							
1	Талаб қилиб олинганча сақланадиган депозитлар	477826448	39.65	485508099	33.25	681651	3.01
2	Жамғарма	99099056	8.22	63553463	4.35	-35545593	-13.95

<sup>19</sup> 2013-2014 йилларда ТИФ миллий банки Сергели филиалининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларидан олинди

	депозитлар						
3	Муддатли депозитлар	35113775	2.91	210500463	14.42	175386688	68.84
4	Банкларнинг депозитлари	0	0	0	0	0	0
5	Бошқа банклардан олинган кредитлар	102284184	8.49	140820367	9.65	38536183	15.13
6	Бошқа ссудалар	240799194	19.98	307433523	21.06	66634329	26.15
7	Бошқа мажбуриятлар	250144764	20.75	252200002	17.27	2055238	0.82
	<b>Жами мажбуриятлар</b>	1205234421	100.00	1460016415	100.00	254781994	100

3-жадвал маълумотларидан шуни кўришимиз мумкинки, ТИФ миллий банки Сергели филиалида мажбуриятларнинг асосий қисмини депозитлар ташкил этади, улар мажбуриятларнинг деярли 2013 йилда 50.78%, 2014 йилда 52.02% ташкил этган. Депозитлар таркибида эса, талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар 2013 йилда 39.65%, 2014 йилда 33.25% ни ташкил этган. Бу банкнинг ресурслари анча арзонга тушаётганлигини ва ўз навбатида, унинг жорий тўловга қобилиятини хавфга қўяди. Энди ҳар бир мажбурият турини алоҳида кўриб чиқсак.

Корхона, ташкилот ва бошқа юридик шахслар хоҳлаган тижорат банкида талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб варақлар очадилар. Бу ҳисоб варақларидан хом – ашё, материалларни сотиб олиш учун таъминотчиларга, давлат бюджетига солиқларни тўлаш учун пул ўтказадилар. Корхоналарнинг бу ҳисоб варағига харидорлардан сотилган тайёр маҳсулотларнинг ҳақи келиб тушадилар. Бу ҳисобварақдан корхона (ҳисобварақ эгаси) ходимларга меҳнат ҳақи тўлаш, хизмат сафари харажатларини тўлаш учун чек билан корхона кассасига нақд пул олади.

Шундай қилиб, талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб варақларида банк миждозлари вақтинчалик бўш пул маблағларини сақлайдилар ва барча фаолият операцияларини тегишли ҳужжатларга асосан (тўлов топшириқномаси кўп қўлланади) амалга оширадилар.

Корхона, ташкилот ва бошқа юридик шахсларда банкдаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб варағини банкдаги ҳисоб – китоб счёти деб юритадилар. Бундай омонатлардаги ҳисоб варақларда маълум даражада пул маблағлари қолдиғи бўлади. Банк бу пул маблағларидан кредит ресурсларини тўлдиришга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам маблағи катта бўлган (фаолияти бўйича катта пул айланадиган) миждозларга банк яхши хизмат кўрсатиб, ўзларидан қочирмасликга ҳаракат қилади. Муддатли омонатлар (депозитлар) – миждоз банкга маълум муддатга қўйиладиган омонатлардир (қўйилмадир). Банк бундай омонатларга фойизлар тўлайди. Фойизлар ставкаси омонатнинг миқдори (суммаси), муддати ва банкнинг молиявий аҳволига боғлиқ ҳисобланади. Банк учун муддатли депозитлар қулай, чунки то муддати келиб, миждоз олгунча, бу маблағлардан банк кредит бериш учун фойдаланиши мумкин.



Муддатли омонатларнинг турларидан бири, депозит сертификатларидир. Депозит сертификати – банк томонидан пул қўйилганлигини тасдиқловчи ёзма шаҳодатнома бўлиб, белгиланган муддат ўтгандан кейин эгасига қўйилма суммаси ва келишилган фоизни олиш ҳуқуқини беради. Бундан ташқари тижорат банклари жамғармали депозитлар ҳам қабул қилади. ТИФ миллий банки Сергели филиали банки аҳолидан бўш пул маблағларини жалб қилиш учун (чунки имконият катта) турли хил муддатли ва жамғармали омонатлар очади. Демак омонатларни қўйиш шаклига кўра депозитлар:

- талаб қилиб олингунча депозитлар;
- муддатли депозит маблағлар (1 ой, 3-бой, 6-9 ойгача, 9 -12 ойгача ва хоказо).

Ҳозирги вақтларда молиявий аҳволи яхши мижозларга контокоррент ҳисоб варағи очилиб, барча ҳисоб – китоблар шу счётадан амалга оширилиши мумкин. Бу счётада мижознинг ўз маблағлари ҳам ҳамда бошқалардан олган – яъни четдан жалб қилган қарз мажбуриятлари ҳам ҳисобга олиб борилади. Шунинг учун ҳам бу ҳисоб варақни қолдиғи дебетда ҳам, айрим даврларда кредитда ҳам бўлиши мумкин. Қолдиқ дебетида бўлса мижоз бу сумага банкдан қарз ва бу суммага белгиланган ставкада банкга фоиз тўлайди. Тескари, қолдиқ кредитда бўлса мижознинг бу ҳисобварағида маблағи борлигини билдиради.

ТИФ миллий банки Сергели филиалининг кредит ресурсларини кўпайтириш манбаларидан яна бири – банклараро кредитлардир. Бунда банк ўзаро келишган қолда мухбирлик (корреспондент) ҳисоб варағи очади. Бу ҳисоб варағдан кредит берувчи банк кредит олувчи банк топшириғига асосан ҳисоб – китоблар олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларининг кредит ресурсларининг жорий қолатини доимий равишда кузатиб боради. Пул – кредит сиёсатидан келиб чиқиб, тижорат банкларининг ликвид қолатини сақлаш мақсадида Республикаси Марказий банки қайта молиялаш тариқасида кредитлар ажратади. Республикаси Марказий банки «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг 30 – моддасига биноан ўз активлари гаровга қўйилганда банкларга кредит беришга ҳақли.

Марказий банк ўзи белгилаган шартларда банкларга уч ойгача бўлган муддатга кредит беришга ҳақди, бунда қуйидаги активлар гаровга қўйилиши мумкин:

- олтин, чет эл валютаси, халқаро резервлар тоифасига кирувчи валюта бойликлари ва бошқа бойликлар;
- давлат қарз мажбуриятлари ва ҳукумат қафолатлаган бошқа қарз воситалари.

Республикаси Марказий банки тижорат банкларига ломбард кредити бериши мумкин. Ломбард кредити Марказий банкнинг 416-сонли Низомига<sup>20</sup> асосан берилади. Ломбард кредити банкларни қайта молиялаш шаклларида бири бўлиб, ДҚМО – ларини гаровга қўйиш йўли билан берилади. Кредитлар

---

<sup>20</sup> ЎзР Марказий банкнинг 1998 йил 22 август № 416 сонли «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банкларга ломбард кредити бериш тартиби тўғрисида»ги Низом

41-сонли Тартибга<sup>21</sup> мувофиқ жойлаштирилиб, Марказий банк ҳудудий Бош бошқармалари ва тижорат банклари ўртасида тузиладиган кредит шартномаси билан расмийлаштирилади. Унда томонлар номи, ўзаро мажбуриятлари ва иқтисодий маъсулиятлари, кредит бериш ва қайтариш тартиби, фоиз ставкаси ва уни ўзгартириш шартлари ва бошқа жиқатлар ёзилган бўлади. Кредитни олган тижорат банклари кредитдан фойдаланиш ва унинг қолати бўйича ЎЗР Марказий банкининг «Пул – кредит сиёсати» депортаментига маълумотнома тақдим этиб туради.

ТИФ миллий банки Сергели филиали активларининг катта қисми манбаи бўлиб, банк мажбуриятлари ҳисобланади. Банк мажбуриятлари юридик шахсларнинг ҳисоб варақларидаги депозит маблағлари, аҳолидан қабул қилинган омонатлар, бошқа тижорат банкларидан олинган кредитлар ҳамда Республика Марказий банкдан олинган ссудалардан ташкил топиши мумкин.

ТИФ миллий банки Сергели филиали мажбуриятлари ҳолатини таҳлил қилганда банк мажбуриятларининг умумий суммаси ҳисобот даврда қанча ва қандай ўзгарганлигини аниқлаш лозим. Биз мисол қилиб олган ТИФ миллий банки Сергели филиалида 2015 йил 1 январь ҳолатига жами мажбуриятлар қолдиғи 1460016415 минг сўмни ташкил этганлигини кўрдик (3-жадвалга қаранг). Банк мажбуриятлари таркибида асосий ўринни депозитлар эгаллаб, 2014 йилда 52,2 фоизни ташкил этган. Мажбуриятларнинг қолган турлари эса, кам салмоққа эга, айрим мажбуриятлар эса умуман банк балансида акс эттирилмаган.

Албатта, бирор бир хулоса чиқаришдан олдин бунинг сабабини, қайси муддатдан камайганлигини, қачон содир бўлганлигини ва бу ўзгариш корпоратив банк бошқаруви фаолиятига қандай таъсир қилганлигини аниқлаш лозим деб ҳисоблаймиз.

### **3.3. Банкнинг Сергели филиалида хусусий капитал таҳлили ва уни такомиллаштириш масалалари**

ТИФ миллий банки Сергели филиалии фаолиятида банк ресурслари муҳим аҳамият касб этади. Чунки, банк ўзининг олдига қўйган ривожланиш стратегиясини амалга ошириши учун албатта ресурс базасини барқарорлаштириб боришни талаб этади. Шу боисдан ҳам, банк ўзининг ресурс базасини оптимал даражада ушлаб туришга интилиб келмоқда.

Банк ресурсларини оптималлаштириш деганда, нафақат уларнинг миқдори, балки ресурсларни сотиб олиш баҳоси, келтирадиган даромади, яъни самарадорлиги, доимий мавжудлиги ва бошқа кўплаб омилларни тушунилади.

Банк ресурсларининг доимий равишда назорат қилиб борилиши уларнинг сифатига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Ҳар бир банк, авваламбор ўз ва жалб қилинган маблағлар ўртасидаги нисбатни доимий равишда эътиборга олиши керак. Бунда ўз ва жалб қилинган маблағлар ўртасидаги нисбат 1:20 дан ошиб кетмаслиги банк ресурслари ўртасидаги меъёр чегарани белгилаб туради. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, бу кўрсаткични бошқача қилиб ҳам айтишимиз

---

<sup>21</sup> ЎЗР МБ Бошқаруви томонидан тасдиқланган 1996 йил 20 апрелдаги 41-сонли «Ўзбекистон Республикасида кредит ресурслари кимошди савдоларини ўтказиш тартиби».

мумкин, яъни рискка асосланган банкнинг ресурслари билан биринчи даражали капитал ўртасидаги нисбат 5 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Аниқроқ қилиб айтиладиган бўлсак, ТИФ миллий банки Сергели филиалида биринчи даражали капитал рискли активларнинг 5 фоиздан кам бўлмаслиги лозим деб ўйлаймиз<sup>22</sup>.

ТИФ миллий банки Сергели филиалининг хусусиятли томонларидан бири шуки, банклар ўз маблағлари ҳисобига эмас, балки қарз маблағлари ёки жалб қилинган маблағлар ҳисобига ўз фаолиятларини ташкил қиладилар. Шундай экан, банкнинг ресурсларини оптимал даражада ушлаб туриш учун банкнинг жалб қилинган маблағлари устидан доимий назорат қилиб бориш лозим.

Бунда, ТИФ миллий банки Сергели филиали томонидан қуйидагиларни инобатга олган ҳолда таҳлил қилиб бориш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- депозитлар барқарорлигини таъминловчи стратегияни аниқлаш. бундай стратегиянинг бир қисми бўлиб, миқдорларга депозитлар сифатини оширувчи маркетинг ҳисобланади. яъни, мамлакат иқтисодиётида инқироз юз берган даврларда ҳам миқдорлар банкга бўлган юксак ишончи йўқолмаслиги тадқиқ қилинади. шуни айтиб ўтиш лозимки, жамғарма депозитлар муддати ошиши депозитлар қолдиғининг тебранишини камайтиради;

- банк жалб қилинган ресурслари таркибида нафақат депозитлар барқарорлигини, балки депозит манбасини ҳам кузатиш керак;

- кредит ресурслари ҳисобини мувофиқлаштириш ва ссуда рақамлари мониторингини олиб бориш;

- бошқа кредит муассасаларидан олинладиган депозитларнинг барқарорлигини баҳолаш;

- банк ўз пасивларни қайта гуруҳлаш орқали муддатли ва жамғарма депозитларнинг салмоғини талаб қилиб олингунча бўлган депозитларнинг салмоғига тенглаштириш;

Умуман олганда, банк фаолиятидаги рискларни аниқлаш ва ликвидлилиكنинг мувозанатлашмаганлигини аниқлаш, ўзгаришларга таъсир қилувчи омиллар таҳлилинини ҳар кунлик назорат қилиш учун махсус тизим тузиш керак.

Шунинг учун, оператив ҳолатда аналитик ишларни бажариш учун маълумотларни олиниши мумкин бўлган маълумотлар базасини тузиш керак. Бунга асосан, банкнинг стратегик ривожланиш сиёсати аниқланади. Маълумотлар базасини шакллантиришда манба сифатида кредит ва депозит шартномалар буйича хулосалар, кредитга режали бўлган эҳтиёж ҳақида маълумотлар, ҳисобрақамлар буйича маълумотлар, кредитларнинг айланиши ҳақида маълумотлар ва бошқа шу каби маълумотлар ишлатилиши мумкин.

Маълумотлар базасига асосан банк томонидан ҳар кунлик ликвидлик ва тўловга лаёқатлилиқ ҳақида маълумотлар олиниши мумкин ва банк операцияларини келажакдаги истиқболларини таҳлил қилиш керак.

---

<sup>22</sup> ЎзР МБ томонидан тижорат банкларининг чоп этиладиган йиллик молиявий ҳисоботларига қўйилладиган талаблар тўғрисидаги низом. 02.10.2004.

Бу эса, банк маблағларини жойлаштириш, ресурсларни жалб қилиш, ўз маблағларини ошириш, банкнинг бошқа муассасаларга улуш қўйишни кўпайтириш, янги даромад топиш йўлларини ишлаб чиқиш ва янги операцияларни ривожлантириш масалаларини боғлаб битта ечим топишга ёрдам беради.

Банкнинг ресурсларини оптимал даражада ушлаб туришга қаратилган сиёсатни амалга ошириш учун ТИФ миллий банки Сергели филиалии ўзнинг ликвидлилик ва тўловга лаёқатлилик кўрсаткичларига риоя қилган ҳолда, ушбу меъёрий кўрсаткичларни таъминлаб туриши учун хизмат қиладиган маблағлардан ҳам унумли фойдаланишни талаб этади. Шунинг учун ҳам, банк учун ликвидлиликнинг умумий асоси бўлиб, фаолиятининг фойдалилигини таъминлаш ҳисобланади.

Шундай қилиб, агар асосий меъёрий коэффициентнинг ҳақиқий қиймати ўрнатилган минимал меъёрдан юқори бўлса, фойда олиш учун ишлатилмаган имконият нуқтаи назаридан, банк фаолияти салбий баҳоланади. Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, баланс ликвидлигининг таҳлили даромадлилик билан амалга ошириш керак.

Банклар тажрибаси, банклар ликвидлигининг минимал меъёрида ишлаши максимал даромад олиши мумкинлиги назариясини яна бир бор исботлади.

Банкнинг ресурсларини оптималлаштиришда маблағларнинг муддатлари катта аҳамият касб этади. Чунки, банк узоқ муддатга ресурсларни жалб қиладиган бўлса, ушбу маблағларни юқорироқ фоиз ставкада жойлаштириш олиш имконияти кенгайди. Бу эса, банкнинг даромадининг оширишга сабаб бўлади.

Шунини ҳам эътиборга олиш лозимки, агар банк қисқа муддатга ресурс жалб қиладиган бўлса, бу ресурсларга тўланадиган фоиз ставка харажатларини камайтирсада, аммо бу ресурсларни жалб қилиш билан жойлаштириш ўртасидаги муддатнинг қисқалиги банк ресурсларга тўлаётган харажатларни оқламаслиги мумкин.

Банк ресурсларини оптимал даражада сақлаб туриш учун уларнинг жалб қилаётган фоиз ставкасининг катта таъсири бор. Маълум бир муддатга жалб қилинаётган депозитларнинг фоиз ставкасини банк аниқ билиши ушбу депозитларни ўзига қўлай фоиз ставкада жойлаштириш имкониятларини келтириб чиқаради.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган тижорат банклари ўзларининг ресурсларини янада кенгайтириш учун интилишлари лозим. Яъни тижорат банклари жаҳон банк амалиётида қўлланилиб келаётган ресурсларни жалб қилишнинг янги манбаларини қўллашлари лозим.

Ҳозирги кунда жаҳон банк амалиётида қўлланиб келаётган НАУ ҳисобрақамларидаги ва СУПЕР-НАУ ҳисобрақамларидаги пул маблағларини жалб қилишдан кенг фойдаланишади. Бу эса, мамлакатимизда фаолият юритаётган тижорат банкларида фаолиятига жорий қилиш лозим. НАУ ва СУПЕР-НАУ ҳисобрақамларидаги пул маблағларига эътибор берадиган бўлсак, бу миқдорнинг ҳисобрақамидаги доимий қолдиқ чегарасида банк ва миқдор

ўртасида шартнома тузилади. Бунга мувофиқ, банк мижознинг ҳаракатсиз турган пул маблағлари доирасида фоиз тўлаш тўғрисида шартнома тузади. Мижоз эса, маълум бир муддат давомида банкдаги ҳисобварақ қолдиғидаги келишилган суммадан фойдаланмайди.

Банк ресурс жалб қилишининг бу усули нафақат банк учун, балки мижоз учун ҳам жуда қулай ҳисобланади. Чунки, катта пул кирим чиқимида эга бўлган йирик корхоналарнинг ҳисобварағидаги пул маблағига фоиз тўланади. Иккинчи томондан эса, банкларнинг ресурс базасини кенгайтириш имкониятини келтириб чиқаради. Шунингдек, бу усул орқали мижозларнинг пул маблағини жалб қилиш орқали тижорат банкларининг даромад олиш имконияти кенгайди, ҳамда тусатдан юзага келадиган ликвидлик муаммосини олдини олиш имконияти тўғилади. Чунки, мижозга пул керак бўлган пайтда у ўзининг банкни олдиндан хабардор қилиши лозим ва шартнома муддатидан олдин ўз пул маблағларини талаб қилиши тўланаётган фоиз ставканинг камайишига ҳамда маълум бир муддат давомида ресурс қидириб топиш имкониятини беради.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ресурсларни бу усул орқали жалб қилиш банкнинг бошқа актив операцияларини ривожлантириш имкониятини беради. Банклар қисқа муддатга ресурс жалб қилишлари банкларнинг махсус ссуда ҳисобрақамлари ҳисобидан қисқа муддатли кредитлаш операцияларини ривожлантиради. Яъни, тижорат банкларининг овердрафт ва контокоррент ҳисобрақамлари орқали кредитлаш учун талаб тўғилади. Чунки, тижорат банклари қисқа муддатга пул маблағларини жойлаштириш учун манба қидиришади. Кредитнинг бу усулини амалиётга қуллаш нафақат банк тизими учун, балки умуман иқтисодиёт учун катта аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, ТИФ миллий банки Сергели филиалининг ресурсларини оптималлаштириш учун банк ресурс жалб қилишнинг жаҳон амалиётида фойдаланаётган манбаларини ўз фаолиятига киритиш ҳамда ресурслардан юқори самара олиш учун мижозларга турли-туман банк хизматларини таклиф этиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, банк мижозларининг талабларидан келиб чиқиб, ўзининг депозит сиёсати ва ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиши, албатта, банк ресурсларининг оптималлашувига эришилади. Чунки, банк мижозлар талабини доимий қондиришга қодир бўлса, бу банкка бўлган ишончнинг ошишига ҳамда банкнинг оладиган даромади ва рақобатбардошлигининг ошишига замин яратилади.

## Хулоса ва таклифлар

Олиб борилган тадқиқотлар натижаси банкнинг хусусий капитални шакллантириш, уларнинг ҳисоби ва таҳлилини ташкил қилишга доир назарий ҳамда амалий аҳамиятга эга асослар ўрганилди, шунингдек, иқтисодийетни модернизациялаш шароити талабларидан келиб чиқиб, уларни мукаммаллаштириш бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

Бизнинг фикримизча, тижорат банкларида капиталлар улушини ошириш учун банкнинг қимматли қоғозлари билан боғлиқ операцияларини амалга оширишни кўпайтиришлари зарур. Бунинг учун эса, Давлат қимматли қоғозлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан чиқарилаётган қимматли қоғозлар ҳамда корпоратив облигациялар билан боғлиқ операцияларни амалга оширишлари мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу билан тижорат банклари ўз капиталини оширишга муваффақ бўладилар. Шу билан бир қаторда Республикамиз қимматли қоғозлар бозори янада ривожланади.

1. Тижорат банкларида банкнинг хусусий капитални шакллантириш, уларнинг ҳисоби ва таҳлилининг назарий ҳамда услубий асослари ўрганиб чиқилди. Бунда банкларда хусусий капитални шакллантириш, уларнинг ҳисобини халқаро молиявий ҳисоботларда назарда тутилган талаблар асосида амалга ошириш ва уларнинг таҳлилини ўтказишда таҳлилни халқаро тажриба амалиёти талабларига биноан амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланди.

2. ТИФ миллий банки Сергели филиалининг устав капиталини шакллантириш, уларни кўпайтириш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олишда тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режасида қимматли қоғозларни чиқариш ва уларни жойлаштириш, инвестиция фаолиятини амалга ошириш, даромад ва харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларни соддалаштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Чунки ҳисобварақлар режасида келтирилган ҳисобварақларда операцияларни акс эттиришда жуда куп мураккабликларга олиб келади. Шу боисдан, уларни соддалаштиришда қимматли қоғозларга очилган ҳисобварақлар таркибида махсус иккинчи тартибли шахсий ҳисобварақлар очиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

3. ТИФ миллий банки Сергели филиали томонидан хусусий капитални шакллантириш, уларнинг ҳажмини оширишда эмиссия қилинган қимматли қоғозларни жойлаштириш ва уларни қайта сотиб олишда харажатларни харажат объектларига кўра тақсимлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Чунки, қимматли қоғозларнинг турлари бўйича алоҳида ҳисоб юритиш қулайликларга олиб келади ва молиявий натижаларини аниқлашга, капиталдаги ўзгаришларни аниқлашга ёрдам беради;

4. Банкларда фондлар ва захиралар ҳисобини ташкил қилиш масалалари ўрганилди ҳамда уларнинг бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш тартиби тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга оширилаётган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида йўриқнома талаблари асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисобланди;

5. банкнинг хусусий капитални шакллантириш, уларнинг таҳлили методикасини ўрганилди ва уни мукамаллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилди;

6. банкнинг хусусий капитални шакллантириш, уларнинг га таъсир этувчи мажбуриятлар таркиби кўриб чиқилди ва улар баланс моддалари бўйича таҳлил этилди.

7. ТИФ миллий банки Сергели филиали тизимида амалга оширилаётган ислохотларни янада такомиллаштириш мақсадида,

-банкларнинг молиявий барқарорлиги ва капиталлашув даражасини ошириш мақсадида банк сармоясида бир акциядорга тўғри келидиган белгиланган улуш миқдорининг умумий меъёрларга мос миқдорга келтириш ҳамда банк акцияларини сотиш механизминини такомиллаштириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил қилиш;

-банкнинг устав капиталдаги давлат улушини камайтириш ва шу орқали тижорат банклари ўртасида рақобатни кучайтириш, мустаҳкам банк тизимининг фаолият кўрсатишини таъминлаш;

-банк соҳаси бўйича олий ўқув юртларида таълим олётган талабаларга ҳамда бевосита банк соҳасида фаолият юритаётган ходимларни илмий-назарий ва услубий адабиётлар билан таъминлаб туриш лозим деб ҳисоблаймиз.

Шундай қилиб, банкнинг хусусий капитални шакллантириш, уларнинг ҳисоби ва таҳлили мавзусида олиб борилган илмий иш натижалари бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар амалиётга тадбиқ қилинса, банкнинг капиталлашув даражасини оширади ҳамда капиталнинг мустаҳкамланишига маълум бир даражада ўз ҳиссасини қўшади, деган умидамиз.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

### **I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун. –Т.: 1996.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Банк ва банклар фаолияти тўғрисида»ги қонун.-Т.: 1996 й.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Марказий банк тўғрисида»ги қонун. – Т.: 1995й.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 июлдаги ПҚ-670 сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» ги қарори

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелда Ўзбекистон республикаси Президентининг “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора- тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1317- сонли қарори

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438 сонли қарори

### **II. Президент асарлари**

7. Каримов И. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” номли маърузаси. (“Халқ сўзи” газетаси, 11-сон (6194), 2015 йил 17 январь).

8. Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида, -Т.: “Ўзбекистон”, 2011, -440 бет.

### **III. Соҳага оид меъёрий ҳужжатлар**

9. Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида йўриқнома. ЎЗР АВда 2008 йил 11 июлда 1834-сон билан рўйхатга олинган).

10.Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассатсия ва қимматликларни ташишга доир йўриқнома. [Янги таҳрир]. ЎЗР АВда 2008 йил 27 июнда 1831-сон билан рўйхатга олинган Марказий банк Бошқарувининг 2008 йил 17 майдаги 12/2-сонли қарори билан тасдиқланган.

11.“Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги” Низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 13.12.2004 йилда 1122-2-сон билан рўйхатга олинган. (янги таҳрири).

12. “Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисида” низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 14.01.2004 йилда 1297-сон билан рўйхатга олинган.



13.Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисидаги низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги 30.01.2004 йилда 1306-сон билан рўйхатга олинган.

14.Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисоб варақлари режаси. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги 13.08.2004 йилда 773-17-сон билан рўйхатга олинган (янги таҳрири).

15.Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг чоп этиладиган йиллик молиявий ҳисоботларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низом. 02.10.2004.

16.Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидалари (Ўзбекистон Республикаси АВда 2009 йил 30 августда 2000-сон билан рўйхатга олинган)

17. Банкларнинг депозит (омонат) сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисида низом (ЎзАВда 2008 йил 24 сентябрда 1859-сон билан рўйхатга олинган)

18. Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида йўриқнома (ЎзАВда 2009 йил 19 январда 1885-сон билан рўйхатга олинган)

19. Тижорат банкларида молиявий активларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида низом (Марказий банк Бошқарувининг 2005 йил 10 сентябрдаги 19/5-сонли қарори билан тасдиқланган);

20. Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан ўтказиладиган операцияларга ва уларнинг бошқа корхоналар устав капиталида қатнашишига қўйиладиган талаблар тўғрисида низом (ЎзАВда 2009 йил 2 февралда 1894-сон билан рўйхатга олинган)

21.Банкларнинг ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисоботлари тўғрисидаги Низом. 19.07.2003 й.

#### **IV. Асосий адабиётлар**

22.Абдувахидов Ф.Т. Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. –Т.: “Иқтисод-молия” нашриёти. 2012. 315 бет.

23.Климович В.П. Основы банковского аудита: учеб. – М.: ФОРУМ, 2010. – 192 с.

24.Ермаков. С.Л. Основы организаций деятельности коммерческого банка. Учебник. – М.: КНОРУС, 2009 – 656с.

25.Ендовицкий Д.А. Учет ценных бумаг: Учебное пособ. - 2-е изд стер.- М.: КНОРУС, 2009.- 336 с.

26.Воронин В.П. и др. Учет ценных бумаг: учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2009. – 336 с.

27.Банковское дело: Учеб. / Под ред. Г. Белоглазавой, Л. Кроливецкой - СПб: Питер, 2008. - 400с.

28.Константинова Е.П. Международные стандарты финансовой отчетности: Учеб. пособ. – М.: «Дашков и К », 2008. – 288 с.

29.Курсов В.Н. Бухгалтерский учет в комерческом банке. -Москва.: 2008, стр. 209

30.Муругова И.А. Операционная техника и учет в банках. Учебный пособие. –Т.: ТФИ, 2008. -36 стр

31.Усатова Л.В., Серошин М.С. Бухгалтерский учет в комерческих банках. -Москва.: 2007, стр. 399.

32.Усатова Л. В., Сероштан М. С, Арская Е. В. Бухгалтерский учет в коммерческих банках: Учеб. пособ. — 3-е изд., перераб. и доп. — М.: «Дашков и К°», 2007. — 404 с.

33.Мохенко Н.П. Международные стандарты учета и финансовой отчетности: Учеб. пособие. - М.: Финансы и статистика, 2007. - 272 с.

#### **V. Қўшимча адабиётлар**

34.Подольский В.И., Савин А.А. Аудит: учебник. – М.: Юрайт, 2010.–605с.

35.Двадцать вторые международные Плехановские чтения. Тезисы докладов. –Москва.: 2009, 10 апреля 2009г

36.Мерцалова А.И. Учет операционная деятельность в кредитных организациях: кассовые, расчетные, депозитные и кредитные операции: учебное пособ.- М.:КНОРУС, 2009.- 356 с.

37.Жарковская. Е.П. Банковское дело: Учеб. - М: «ОМЕГА -Л»,2008 – 476 с.

38.Курсов В.Н., Яковлев Г.А. Бухгалтерский учет в коммерческом банке: Новые типовые бухгалтерские проводки операций банка: Учеб. пособ. — 10-е изд., испр. и доп. — М.: ИНФРА-М, 2008. — 277 с.

39.Черкасов В.К. Финансовый анализ в коммерческом банке. Учебное пособие для вузов. - М.: Изд. «Консалтбанкир», 2006. - 320 с.

40.Умаров З. Тижорат банкларида молиявий натижалар ҳисоби ва таҳлилининг назарий-услубий масалалари. –Т.: ЎзР Банк-молия академияси. ном. дисс. 2010. -132 бет

41. “Иқтисодий таҳлил реал сектори самарадорлигини оширишда бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитни такомиллаштириш масалалари” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. –Т.: ТДИУ. 2015 йил 10 апрель.

42. “Иқтисодий таҳлил ва аудитни модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитни ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани тўплами. –Т.: ТДИУ. 2012 йил 29 ноябрь.

43. ЎзРда иқтисодий таҳлил ва аудитнинг ривожланиш муаммолари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари.-Т.: ТДИУ нашриёти. 2011й.

#### **VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар**

44.«Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» журнал. –Т.: 2013-2015 йиллар

45.«Бозор, пул ва кредит» журнал. –Т.: 2013-2015 йиллар

46. Банк ахборотномаси. Газетаси. 2013-2015 йиллар

#### **VII. Интернет сайтлари.**

47.«Norma” 2015.

48.“Pravo” 2015.



